

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

Оила ва жамият

Икки олам оралигида туриб, ўз жонидан кечига ҳам тайёр туриб дунёга янги жон бахш этаётган она... Машаққатли, масъулиятли, қийин, аммо нурли лаҳзалар... Она ёнида далда бўлиб, дардини ўз дардидек қабул қилиб, икки вужуд, икки руҳ-она ва болани ёруғ олам бағрига чорлаётган шифокор... Ниҳоят, ниҳоят чақалоқнинг «инга-инга»си янгради, она енгил тин олди, шифокор гўдакни боши узра кўтарди, уни яланғочлигича бағрига қўйди...

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти туғруқ бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди, Зулфия Неъматова бундайин муқаддас лаҳзаларни деярли ҳар бир иш кунида бошдан кечиради.

- Одамдан одам келиши, бу - мўъжиза! Ана шу илоҳий лаҳзаларда кўнглингиздан нелар кечади? - Савол бераман унга.

- Аёлнинг тўлғоғи менга ўтади гўё. Туғиладиган бола билан бирга туғиламан. Онанинг пешонасидаги терни арта туриб, унинг бу дақиқалардаги меҳнати мукофоти илоҳдан қайтишни тилайман ичимда...

- Бугун кечагидан кўра туғруқ қабул қилиш усуллари энгиллашганини ҳис қиласизми?

- Албатта, замон илгариланган сари тиббиёт ҳам юксалмоқда. Илгари бола туғилгач, дарҳол энагаларга топширилди. Касалхонадан чиқиб кетгунча она ўз хонасида, чақалоқ гўдаклар хонасида ётишарди. Болани онага фақат эмизиш учун олиб келинардик. Эндилликда бола туғилган заҳот она қорнига ётқизилади. Бола ҳам дарҳол табиий равишда она кўкрагини қидира бошлайди. Шу тахлит икки вужуднинг ҳам жисман, ҳам руҳан бирлиги вужудга келади.

Илгари "оғиз султари" соғилини, барча оналар сутла-



ЭНГ МУҚАДДАС КАСБ СОҲИБАСИ...

туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи бўлиб, беморларни ўт билан даволардилар. Отамга ҳавас

ўрнига ҳар хил ўтли дамламалар компотлар, наъматак қайнатмаларини ичиш жуда фойдалидир. Баъзан қонни нормаллаштиради деб, ширинликларга, шакарли ва новотли чойларга ишониб қолишади. Ҳолбуки, уларнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ. Аксинча баданга ҳар хил тошмалар чиқи-

қилиб, мен ҳам шу йўлни танлаганман. Онам (раҳматлик) Нисо ая - уй бекаси бўлганлар. Дарвозамизни тақиллатган одамни бир пиёла чой ичирмасдан қайтармасдилар. Бизнинг оилада ҳозиргача ота-онанинг, қайнонам Ашир-бунинг ҳикматларига қатъий амал қилинади.

Умр йўлдошим Аминжон Неъматов ҳам тиббиёт фанлари доктори, профессор. Республика карантин ва

рининг йиғиндиси чақалоқларга бериларверди. Ҳозир болага туғилиши биланок дарҳол "оғиз сути" берилади. "Оғиз сути" да бола иммунитетини оширадиган моддалар мавжуд. Онанинг танасида ҳам ўз-ўзини химоя қилиш жараёни кечади. Бола онани эмгач, табиий равишда бачадон ҳам қисқаради, чақалоқнинг киндиғи тез тушади.

- Зулфия опа, ҳозир кўпчилик аёллар "кисарча кесиш" - жарроҳлик йўли билан болалик бўлишяпти. Қандай ҳолларда бундай амал қўлланилади?

- Бу усул кичик тос суяклар, бола келадиган йўллари юқумли касалликка чалинганлар, гўдаги кети билан келиб қолган оналар учун жуда зарур. Авваллари тиббий асбоблар ҳозиргидек мукамал бўлмагани туфайли "кисарча кесиш" ҳадеб қўлланилавермасди. Шу сабаб оналар ва болалар ўлими у пайтлар айтарли ҳеч қамаймаган. Ҳозир бунинг олдини олиш учун шифохонамизда боланинг она қорнида ривожланишидан тортиб туғилаётган пайтигача бўлаётган жараёни кўрсатиб турадиган техника асбоблари мавжуд. Бинобарин қон босими юқори ёки юраги касал, кўз тубида ўзгариши бўлган ҳомиладор

аёлларнинг тўлғоғини оғриқсизлантирувчи (передуал анестезия) йўлга қўйилган. Мақсадимиз - она ва боланинг тўлғоқ давридан жароҳатларсиз ўтиб олишларини таъминлаш.

- Ҳомиладор аёллар-оналардаги камқонлик касаллиги сабаби нимада ва бу дарддан қандай қутулиш мумкин?

- Сабаби кўп. Таркибида темир моддаси бўлган озиқ-овқатлар таомномадан тушиб қолса, танада темир моддасининг сўрилиши бузилса, жигар фаолияти издан чиқса, одам камқонлик касаллигига чалинади.

Унинг олдини олиш учун албатта темир моддаси бўлган - сут, творог, сузма, хамирли таомлар, олма, дуккакли ўсимликлар (мош, нўхат, ловия сингари) гўшт, сабзавотларни тез-тез истеъмол қилиш керак. Гўшт ва сузма танада темир моддаси сўрилишини 4 мартага ортттиради.

Овқатдан сўнг 2 соатча чой ичиш мумкин эмас. Чунки чой овқат таркибидаги темир моддаси сўрилишини кескин қамайтиради. Шу боис чойнинг



ши мумкин. Шунинг учун ҳомиладор аёллар режали (рационал) овқатланганда ҳам, ўзларида камқонлик белгиларини сезсалар, дарҳол шифокор тавсияси билан таблеткалар қабул қилишлари лозим.

Зулфия опа тиббиёт ҳақида, "чақалоқлари", "келинпошшолари"нинг соғлиги ҳақида ҳам завқланиб, ҳам куюниб гапиради. 32 йилдан буён тиббиётда "суяги оқарган" инсон ўзининг бу йўлга киришига отаси (марҳум) Фуломжон ака сабаб бўлганларини қувонч билан эслайди...

- Асли Паркентликмиз. Отам

юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш маркази раҳбари. 4 нафар фарзандимиз, 3 набирамиз бор. Камолоҳон - иқтисодчи, Жасурбек - ҳуқуқшунос, Жўрабек - милиция академиясининг магистранти, Хилолаҳон - ўқувчи.

Шуларнинг соғлиғи, келажаги учун кўнглимизда неки ният бўлса, туғилаётган чақалоқларга ҳам шунини тилаймиз. Ҳамма оналар ҳам соғсаломат бўлиб фарзандларининг ҳузурини кўришсин.

- Зулфия опа, эзгу тилакларингиз ўзингизга ҳам йўлдош бўлсин!

Санобар ФАХРИДИНОВА

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ҚАДРДОНЛАРИ



Сувратда офтобдай чарақлаб турган бу онахонлар ўзлари республикамизнинг турли бурчагида умргузаронлик қилиша-

рашиб суҳбатлашдик. Маълум бўлдики, уччала аёл - онахон газетамизнинг қадрдонлари-мухлисларимиз эканлар. Ойбахор ая Норбоева (суратда чапдан биринчи) 66 ёшда. Бир ўғил, бир қизлар бор. 12 набираю 5 чеваранинг бувижониси. Ая Наргай тумани «Зарафшон» жа-

моа ҳўжалигида истикомат қиладилар. Аяни "Табассум момо" деб эъзозлашаркан. - 11-12 ёшимдан бошлаб да- лага чиқиб чопиқ қилдим, буг- дой ўрдим. 7-синфин битирган- ман. "Оила ва жамият"нинг ҳар сонини қариндош- уруғлар жам бўлиб, биргаликда ўқиймиз, муҳокама қиламиз, тўғрими овсин, - дея ая Каттакўрғон тумани Ингичка кўрғони фуқароси Саодат Норбоевага (суратда ўртада) юзландилар. - Ойбахор опам билан 18 йил бир ҳовлида турганмиз, - дея гап бошлади Саодат опа. - Онам

хўёдан эрта кетгани учун биз овсинлардай эмас, она-боладай эдик. Келинлик давримда нима- ни ўрганган бўлсам, опамнинг хизматлари катта. 15 йил шахта- да ишлаб, эндиликда нафақада- ман. 6 қиз, 2 ўғилдан етти тасини уйли-жойли қилдим. Ҳозир кен- ми жа ўғлим навбат кўтиб турибди. Унинг ҳам бо- шини икки қилсам, бундан 9 йил бурун оламдан ўтган раҳматлик турмуш ўртоғим олдида юзим ёруғ бўларди.

Бу гапдан кейин орага жимлик чўкди. - Мен Саодат опамнинг сингли- си бўламан. Опамдан бир умр миннатдорман. Шу жигарим ту- файли оналик бахтига эришдим, - дея гап бошлади Ойбозор опа Ўралова (суратда чапдан учинчи). - Советобод тумани «Ўзбе- кистон» жамоа ҳўжалигига келин бўлиб тушгандим. 13 йил фарзанд кўрмадим. Опамнинг 1 ёшли

қизини ўз қарамоғимга олган- нимдан кейин 3 йил ўтиб кет- ма-кет икки ўғил, бир қиз кўрдим. Ҳозир ўша қўзим ик- кита ўғил кўрди. Шўқр, мен ҳам набирали бўлдим. Биз турли туманларда яшасак-да, қарин- дошлик ришталари қалбимизни олиб турди. "Оила ва жа- мият" газетаси эса барчамиз- нинг хонадонимизга ҳар ҳафта қариндошимиздек кириб бо- ради. Еритилаётган мақола- лар қаҳрамонлари хурсанд- чилигидан дилимиз яйраб, гапга ботган бўлсалар биз- нинг ҳам дилимиз оғрийд.

Онахонлар билан анча гап- лашиб ўтирдик. Бу содда ва салимий қишлоқ аёллари- нинг сўзларидан тандирдан энди узилган бугдой ноннинг исси, пахта далаляларининг ифо- ри, бешикнинг, бир этак бо- ланинг ҳўди келиб турди. **ТОҲИР**

ҚИШЛОҚНИНГ КЎЗИ, КЎНГЛИ

Кишлоқ зиёлилари. Уларнинг ҳар бири ўз қишлоғининг кўнгли, кўзи. Бири - шифокор, бири - муаллима. Шунинг учун ўз ҳудудининг маънавий, маърифий, маданияти учун ўзини маълум маънода жавобгар ҳис қилади. Савол берсангиз, аниқаниқ фикрлар айтади. Қашқадарё вилояти. Қасби тумани. Камолон қишлоғи ёш зиёли аёллари билан суҳбатлашганимиздан сўнг мен шундай фикрга келдим.

Хосиятхон ЙЎЛЧИЕВА: - Кишлоқ врачлик пункти болалар шифокори.



Бир пайтлар оқ халат кийган кишилар шаҳарда ишласа, ярашди, деб ўйлардим. СамПИни битириб, Камолонга кетаётганимда ўқинганман ҳам. Аммо энди бу туйғулар ўтиб кетди. Биз қишлоқда кўпроқ керак эканмиз. Айтишди-ку, сийланган жойида азиздир инсон деб. Аммо гап фақат бизда эмас, касбимизда. Оилалар, аёлларнинг тиббий билимини ошириш ҳақида кўп гап бўлаяпти бугун. Соғлом она, соғлом бола, деган фикрлар тез-тез айтилади. Тиббий билим шароитдан бошланади. Мана, бизнинг қишлоғимизда замонавий жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти ишга тушди. Маҳаллалар куни ҳомиладор аёлларни чакирсақ, суҳбат ташкил қилсақ дарров тўланишади. Камқонлик оқибатлари, чақалоқ дунёга келган парвариши, эмлашларнинг фойдаси, ҳамма керакли мавзуларда бемалол савол-жавоб қиламиз. Қайноналарни ҳам таниганимиз учун бемалол: "Холажон, ҳовлингизда пишиб ётган सबзавот, мевалардан ке-

линингизга беринг, неварангизга эринмай шарбат тайёрлаб беринг", - деб айтаверамиз. Бошимиздан тўрт фасл офтоб кетмайди. Кичкинтойлар рахит. Боғимизда анор, узум бор. Келинчақлар, болалар камқон... Одамларимиз антибиотик дорисига ўрганган, кийнаиб бўлса-да, сотиб олади, ярим пиёла сув билан ютади қўяди.

Тиббий билим деганда бугун кўпроқ одам ўзи, фарзандларини уй шароитида табиий йўл билан даволашга ҳам эътибор бериши керак. Врачлик пункти мудиримиз Муртазо Саидов жуда қизиқувчан одам. Америка "ХООП" компаниясининг "Соғлом оила" дастури бўйича ишляпмиз ҳозир. Биз орқали дунё тиббиёт янгиликлари қишлоғимизга тарқалади.

Муртазо ака: "Сингилларим, сиз фақат аҳоли саноатлигига эмас, кўчалар, хонадонлар орасида талиги, экология тозаллигига ҳам жавобгар сизлар. Гул экинг, кўчат ўтказинг, сув сегинг, ахлат тўпланманг, дейишдан эринманглар. Бири бўлмаса бирининг қулониға киради", дейдилар. Унга сайин ўзимизни масъул ҳис қиламиз.

Шахрибону ОБИДОВА: - 43-мактаб муаллимаси.

Мен меҳнат фанидан дарс бераман. Ҳозир меҳнат фанига қизиқиш катта. Бу фан тадбиркорлик асоси бўлиб қолди. Айниқса, қишлоқда юмшоқ ўйинчоқлар тикиш, аппликация, кашта тикиш, пазандачилик - меҳнат йўналишларига баъзан 45 минут ҳам етмайди. Бугун қишлоқ ёшлари жуда ҳаракатчан, қизиқувчан. Уларнинг шу қизиқиларини сўндириб қўймаслик керак. Энг ёмони локайдлик. Ўзининг кучига ишонмаслик. Худди шу ҳиссиёт ёшларга ёпишиб олмаслиги керак. Қишлоқ қизлари фақат ер, дала меҳна-

тини эплайди, бошқа нарсага ўқуви келмайди, деган фикрларни рад этишимиз керак. Бу кун шу жараён кетаяпти.

Гулмира ҲАЛИМОВА: - 5 мактаб муаллимаси

Тарих фанидан дарс бераман. Болалар тарихга жуда қизиқишади. Фанга қизиқишни сўндириши ёки уни севдириш кўп жиҳатдан ўқитувчига ва албатта, ўша фанга бўлган муносабатга боғлиқ. Мактабимизга компьютерлар келса, Камолон қишлоғи ёшлари учун клублар қуриلسа, шоу дастурлар бўлса... Бугунги кун ҳам эртага тарих. Эртанги авлод қишлоғимиздаги яхши ўзгаришларни аниқ ҳис этиши-



Сувратда: Ш. Обидова ва Г. Ҳалимова.

са, мустақиллик қадрини билишса... Мен шу ёшлар тарихларини, ўзини тарих иштирокчиси деб қарашга ўрганишларини хоҳлайман. Шундагина қишлоқ фуқароларида ижтимоий фаоллик ошади...

...Зиёли аёлларнинг фикрлари бир-бирига яқин. Улар ҳомийлар фақат тадбирларга дастурхон қўлавермасдан, кам таъминланган оила фарзандлари учун газета-журналларга обуна қилиб бериш, маҳаллаларда кўпбўлиш ташкил қилиш каби ишларга бош-қош бўлсалар, деган истакни билдиришди. Хорган бўлса-да, қишлоқ зиёли аёлларининг борига барака демасдан фикрланаётгани, изланаётгани мен учун ёқимли туюлди.

Кутлибека РАҲИМБОВЕВА



ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Қиз ҳали 17 ёшга тўлмаганди. Унинг вояга етмаганлигини яшириш учун қонуний никоҳдан ўтиш кейинга қолдирилди. Шунга кўра тиббий кўриқдан ўтиш, "исм-расм"лари ҳам «нетга суриб қўйилди"... Аммо жуда катта тантана билан тўй бўлиб ўтдию...

Келиннинг танасида оқ доғлари бор эканлиги маълум бўлди. Ҳали бошланмай туриб, оилавий турмушга нукта қўйилди.

Тиббий кўриқдан бош тортган айрим келин-куёвларнинг ҳаёти афсуски ана шундай ниҳоя топмоқда.

Тасаввур қилинг, биргина ўйламай қўйилган қадам қанча одамнинг тақдирига тугун туширапти. Дунёга келган бегуноҳ гўдаклар-чи?! Улар ҳам ҳар томонлама рисоладагидек ота-онадан тўғилса бўлмасмиди? Мана шу жойда тиббий кўриқнинг келин-куёв учун ҳаётий зарурат эканлиги яна бир бор намоён бўлади.

Соғлом оила, соғлом авлод шаклланиши йўлида ҳукуматимизнинг қатор Фармонлари, қарорлари эълон қилинмоқда. Жумладан, 19 феврал 2003 йилдан бошлаб никоҳланувчи шахслар бепул асосда тиббий кўриқдан ўтдилар.

Ақли заиф, тутқаноқ дарадига мубтало бўлганлар, гиёҳванд ва ОИТС билан оғриганлар бир-бирларига ўз касалликлари ҳақида билдиришлари шарт. Акс ҳолда, кўр-кўрона қурилган оиланинг эртасидан эр-хотин ҳам, жамият ҳам азият чекина.

Тошкент шаҳри бўйича 17446 та тиббий кўриқдан ўтган фуқаролардан жами 76 тасида касаллик аниқланди. Шундан 44 тасининг руҳий касалликлар, 15 тасининг сил, 5 тасининг ОИТС,

Хуқуқий маслаҳатхона

5 тасида нарколепсия, 2 тасининг захм ва бошқа турли касалликлар билан оғриганликлари маълум бўлди.

Жумладан, Оила маросимлари марказининг ўзида 10 та руҳий касаллик аниқланган. Шундан 9 таси бўйича никоҳланувчиларни хабардор қилиб, сўнгра никоҳлари қайд этилди. 1 таси касаллик туфайли никоҳдан ўтишдан бош тортди.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ФХДЭ идоралари

қошида жамоатчилик асосида "Ёш оила мактаби" фаолият кўрсатмоқда. Бу мактабнинг асосий мақсади - оила қурувчи ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, айниқса, тиббий билимларини ошириш. Бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, қийинчиликларни бартираф этишга ўргатиш, тиббий кўриқнинг моҳияти, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш асосларини тушунтиришдир.

Машғулотларни ФХДЭ бўлими раҳбарлигида 16 кишилик ташкилий гуруҳ ҳайъати олиб боради. Нуфузли олимлар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар ва ибратли оилаларнинг соҳиб ва соҳибалари ҳам бу ишга жалб этилган.

"Ёш оила мактаби"нинг машғулотлари Оила маросимлари маркази, 2-сон "Шодлик" никоҳ уйи ва Мирзо Улугбек туман ФХДЭ бўлиmlарида марказлашган ҳолда ташкил қилинапти.

"Ниҳолларимиз мева бера-япти", десам бўлади. Никоҳланувчи ёшларимизнинг тиббий кўриқка қизиқишларини ҳис қиляпмиз. Ҳа, соғлом онадан соғлом бола дунёга келиши учун энг аввало оила пойдевори ҳар томонлама мустаҳкам бўлмоғи шарт. Ушандагина оиланинг ҳам, жамиятнинг ҳам тинчлиги, бахти таъминланган бўлади.

Гулнора ИНОМЖОНОВА, Тошкент шаҳар, Адлия бошқармаси бошлиғи муовини.

Яқинда қариндошимнинг тавсияси билан мен бир идорага иш сўраб бордим. Идора бошлиғи қариндошимнинг кўп йиллик қадрдони экан. Аммо "бошлиқ"нинг ўзини тутиши, осмондан келиб гапириши дилимни оғритди. Мен атиги иш сўраб борган эдим, садақа сўраб эмас. Агар ишга қабул қилса менга берадиган ойлик маошни чўнтагидан эмас, давлатнинг пулини тўларди-ку?! Қариндошим бунга эшитиб, жудаям ноқулай аҳволга тушиб қолди: "Унинг қандай одамлигини мана энди билдим", - деб анча ўйланиб қолди.

Бундай кимсалар мансабга ўтирган, ҳаволаниб кетдилар. Сенинг келиб чиқилинг, қайси каттаконни одами эканлигинг ёки чўнтагинга қараб муомала қилишади. Бундайларни жамият митаси деб аташ мумкин. Ёшларни қўллаб-қувватлаш

ДИЛИМ ОҒРИДИ

ҳақида ҳамма жойда гапириляпти. Лекин амалда-чи? Кўпинча сен ёшсан, хали гўрсан, кексайганингда катта ишларга даъво қиларсан, қабилида иш қилинади. Соғлом фикр, соғлом муҳит, гуллаб-яшнайдиган келажақни эса биз ёшлар қураемиз. Фақат бизга имконият берилиши керак. Қўллаб-қувватлаш зарур деб ўйлайман.

Токайгача биз ёшларга етук шахс сифатида эмас, ёш болага қарагандай қаралади? "Ҳозирги ёшлар ундок, бундок", - деб айв излаб мингирлаш ўрнига, уларни қўллаб-қувватлаш, эътибор, ғамхўрлик кўрсатиш зарурмасмикан?! Турли ёмон иллатлардан ёшларни сақлаб қолишининг йўли-уларга иктидорига яраша уларга ишонилда, қўллаб-қувват-

лашда. Менинг фикрим - кексаларимиз ёшларни оталиққа олиб, билмаганларини ўргатишсин, билганларини мустаҳкамлашда кўмак беришсин.

Мени кечиришсин, катта ёшчилар бунга тан олишни истамаптилар. Мени ишга қабул қилмай кўполлик ва дағаллик билан хонасидан деярли ҳай-даб чиқарган ўша мансабдор одам билиб-билмай мени жиноят қўчасига кириб кетишимга сабабчи бўлиб қолмадим-кан?! Ҳар жойдан ишга киролмай руҳи чўкиб қувиб солинавверган йигит ёки қиздан келажақда нимани кутиш мумкин? Гиёҳвандлик, ароқхўрлик, фоҳишалар, ўғрилик, безорилик ва ҳоказо иллатларни кутиш мумкин. Бу эса жиноят. Де-

мак, ёшларни жиноятга ким етакляпти?! Ўз-ўзидан кўришиб турибди-ки, бунга ўша, биз ёшани, оқ сочини, эгаллаб турган макеини хурмат қилган кексалар сабабчи. Бу албатта менинг фикрим. Лекин юқорида таъкидлаганимдек, манманлик, кибру ҳаво, икки юзламачилик, ёлғончилик ва буқала-мунлик сингари жирканч "фазилат"ларни биз албатта ёши улғурок одамлардан ўрганишимиз. Бундай кимсаларни кўриб, албатта катта бўлсам, мен ҳам шундай бўламан деб, юзтадан камиде элликташимизда тугиб қўямиз. Чунки, ёшлар ҳали ниҳол, қаерга, қай томонга эгса ўша томонга, ўша ёққа эғлиб ўсамиз. Бизларни тўғри парваришлаш, ўстириш эса катталар қўлидадир. Сиз бунга нима дейсиз? **Шаҳноза ШЕРДИЛОВА, Тошкент шаҳри, Қорасув-1 даҳаси.**

НИМА? КАЧОН? КАЕРДА?

Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Хўжаеванинг Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасига берган хабарига кўра, Рамазон Ҳайити муносабати билан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ободонлаштириш ҳашарлари ўтказилди. Қабристон ва зиёратхоналар ободонлаштирилди, маҳалла худудларидаги турар жойлар тазоланди. Ҳайит кунлари кексаларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Кам таъминланган оилаларга, етимлар, ногиронларга ғамхўрлик кўрсатилди. Рамазон Ҳайити муносабати билан жамми 18,8 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги "Оналар ва болалар" тиббий марказида ҳам Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан хайрия тадбири ўтказилди. Марказнинг кўп йиллар ишлаган кекса ходимларига, кам таъминланган оилаларга муруват ёрдами кўрсатилди.

Ўз мухбиримиз



Дадам билан Хусанбой амаким ака-уканинг фарзандлари бўлишган. Бу икки оиланинг болалари номигагина девор тортилган ёнма-ён ҳовлиларда катта бўлганмиз. Амакимнинг аёллари Тўхтаҳон аямни ўз онамиздек яхши кўрардик. Улар кечроқ фарзанд кўрганлиги сабаб, болалар - уч ўғил, икки қизи биздан ёшроқ эди. Амаким гавдали, забардаст инсон эди. Уқитувчи эмасми, ҳар қандай одамнинг кўнглига йўл топа оларди. Аммо гуркираган чинорни чақмоқ ургани каби амаким автохалокатга учраб, оғир ахволда шифохонага ётқизилди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан бир оёқларидан айрилган ҳолда умрлари асраб қолинди. Аммо бу қувонч ҳам узоққа чўзилмади. Орадан икки-уч йил ўтиб автохалокатнинг юракка таъсири туфайли оламдан кўз юмди. Бу айрилиқни Тўхтаҳон аям ҳам кўтара олмади. Каттиқ сиқилишлар натижасида оғир дардга чалиниб, бир йилдан кейин аям ҳам тупроққа қўйилди. Фарзандсизлик туфайли неча мустарликлар кўриб Оллоҳдан минг-минг саждалар ила тилаб олган болалари ёлғиз қолишди. Уларнинг бахтига амаким ва аямнинг оналари Ойсахон ва Қандолатхон эналар саломат эди. Бирок фарзандларидан айрилган бу кекса онахонлар ҳам худудлик доғида кун сайин шамдаин эриб боришарди. Бундай пайтда қўни-қўшни, қариндош-уруғнинг ўрни нақадар катта эканлигини ўшанда англаб етганман. Оиланинг катта фарзанди Ҳакимаҳон эндигина ўн тўрт, кичик фарзанди эса беш ёшларда эди. Болалар умуман боқувчисиз қолган бўлса-да, бирорта инсондан уларни меҳрибонлик уйига топшириш ҳақидаги сўзни ёки маслаҳатни эшитмаганман. Вақти келса рўзгор юқини эр-хотин қўшқўлаб тортишга қўйналаётган бир пайтда қишлоқ аҳлининг, оила яқинларининг меҳр-оқибати, мурувати, одамийлиги туфайли амакимнинг фарзандлари нафақат моддий,

балки маънавий томондан ҳам ўзларини унглаб борди, оёққа турди. Йиллар давомида соғ-саломат улғайиб эл назаридаги инсонлар қаторига қўшилишди. Уларга ҳозир кўпчиликнинг ҳаваси келади, фарзандларини улардан ўрнак олишга чақиришади. Тўғри, ота-она ўрнини ҳаётда ҳеч бир зот босолмас. Аммо меҳрибонлик уйларида бўлганимизда кўпчилик болаларнинг ота-оналари ҳаёт, соғ-саломат эканлигини биллиб ўйга толамиз.

ОҚИБАТНИ АСРАНГ АЗИЗЛАР

Уларнинг ўксик нигоҳларидан қалбимиз зил кетади.

Бир дугонанинг онаси фарзанд кўргач, ҳали туғруқхонадан чиқмаёқ оғир дардга чалиниб қолганлиги учун бошқа шифохонага ўтказилди. Чақалоқ эса маълум муддат туғруқхонада парваришланди. Кейинчалик отасининг руҳсати билан «Меҳрибонлик уйи»га ўтказилди. Биз ўшанда ўн беш ёшлардаги ўсмир қизлар эдик. Бир куни ўша уч-тўрт ойлик гўдак сингилчасини кўргани борган дугонани унинг қаровисиз ҳолатда, озиб кетганлигини кўриб олиб келиб, ўзи парваришлаганга қарор қилади. Бунга дадаси, яқинлари қаршилик қилса-да, ўз сўзида йиғлаб туриб олгани ҳамон эсимда. Унга сингилчасини катта қилиш осон кечмади. Неча маротаба чақалоқ билан шифохоналарда ётиб чиқди. Ўша пайтларда озиб, қоқ суякка айланган гўдакнинг яшаб кетишига ҳатто, шифокорлар ҳам ишонмаганди. Жигарлик меҳри сабаб, ўзи ҳали ўсмир қиз бўла туриб оналик масъулятини зиммасига олган дугонанинг саъй-ҳаракати билан қизалоқ умри асраб қолинди. Унинг тили «она» деб чиқди. Яъни, дугонани она деб чақирарди.

Мана шундай меҳрли, куюнчак инсонлар бор экан, етим фарзандлар меҳр-шафқат, эзгу амаллар кучида камолга етади.

Зулфия ЮНУСОВА

“Бу дунё яхшиликлар экинзориридир”...

(Ҳожи Аҳрор Валий мақбарасидаги битикдан)

Тошкент яқинида Қибрай кишлоғи марказида эл-юрт қатори Абдулла ака ва Рихсибуви Тўлабоевлар оиласи яшайди.

... 1976 йили Абдулла аканинг кенжа синглиси Наимаҳон, тақдир экан-да, Қибрайдан олис Сурхон воҳасининг Сароисиё туманига келин бўлиб тушди. Маҳмуджон билан яхши яшаб уч фарзандли бўлишди. Лекин 1990 йили Маҳмуджон автохалокатдан вафот этди. Орадан бир-икки йил ўтмай, Наима қайнота-қайнонасини ҳам сўнгги йўлга кузатди... Бўёқда Рихсибувининг юраги туз селгандай ачишади:

“Наима синглимиз ёлғиз қолди-да. Болалари ёш. Почтада ишлаб топгани нима бўлади, дейсиз. Уни Қибрайга кўчириб келайлик?”- деб Абдулла акага ёлборди.

Рихсибуви маҳалладаги тўққиз фарзандлик шу катта оилада келин бўлиб тушганида (1962) кенжатоғи Наима беш яшар қизалоқ эди. Қизчани оқ ювиб, оқ тараб, сочларини майдалаб ўриб, етти ёшида мактабга етаклаб борган, унга қишлоқ кўйлақлар тикиб берган шу Рихсибуви келинояси эди. Бу қизга Рихсибувининг бошқача меҳри тушган.

Ҳадемай Абдулла ака Наимани болалари билан Қибрайга олиб келди. Икки хоналик уй ҳам олиб берди. Орадан йиллар ўтиб, Наиманинг қизи Гулноза бўйга етиб, совиқлар кела бошлади.

- Ҳеч таъшиш қилманг, Наимаҳон, - деди Рихсибуви, - ниманики камчилик бўлса, мана биз бормиз. Гулноза қизимизни биз узатамиз.

ФАЗИЛАТ ҲАЗИНАСИДАГИ ГАВҲАР

эса шофёр бўлиб ишлади. Ҳозир икковлари ҳам нафақада. Лекин уйларида барака бор, фазл бор. Тинчлик, хотиржамлик, аҳиллик устивор. Улар энди қўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг дуосини олишяпти.

- Келинояимни мен иккинчи онам деганман. Менга, болаларимга қилган яхшиликларини таърифлашга сўзим ожиз. Келинояим бир умр қулсам-қулдилар, йиғласам-йиғладилар. Қизлари қатори пешонамини силадилар, - дейди Наимаҳон чин дилдан иқроор бўлиб.

- Ўзим кичик бир матбуот дўкончасида ишлайман. Топганим рўзгор тебратишдан ортмайди. Мана энди кенжамиз Комилжон ҳам воёга етиб қолди. Яна акам билан келинояим: “Ўзимиз уйлантирамиз. Тўй шу ҳовлида бўлади”,- дейишяпти. Шуларнинг борлигига шукр! Дунё турғунча туришин!

Илоҳим, ҳар бир инсон қалбиди, хонадониди, ака-ука, опа-сингиллар ўртасида яхшилик, меҳр-оқибат чироклари чарақлаб ёниб турсин. Дилларимиз ёруғ бўлсин, ёруғ! Ҳеч ким ўқиб қолмасин!

Санъат МАҲМУДОВА



Мехр ва муҳаббат йили


ЯХШИЛИК УЛАШУВЧИ ИНСОН

-Менинг кичик, 42 ёшли, Муҳиддин исмли укам ҳайдовчилик касби билан оиласини тебратарди. 6 фарзанди бор. Бир йил олдин, кутилмаганда шу укам қаттиқ касалга чалинди. Биз уни Тошкентдаги касалхоналардан бирига жойлаштирдик. “Операция қилмасак бўлмайди”,- дейишди шифокорлар. 7 ака-ука укамиз учун дори-дармонга маблағ йиғдик. Операция кунлари кечаю-кундуз ёнида бўлиб унга қарашиб турдик. Лекин укамизни бир йил ўтиб яна бир операция қилиш, унга эса даволаниб юриши керак экан. Хуллас, бу масала бизни анчагина шошириб қўйди. Дори-дармонга пулимиз етмай қийналиб қолдик. Кимдир бизнинг аҳволимизни туманимиз марказидаги тадбиркор бир инсонга айтган экан. Ўша йигит ўзи бизни излаб келди ва икки юз минг сўм пул ташлаб кетди.

Мендан икки юз минг сўм қарздор эдинглар. Мана шу пулдан ажратиб қарзингизни тўланг,-деди. Келинимиз нима бўлаётганини тушунамай икки юз минг сўм пулни санаб олиб унга узатибди. У киши пулни бир чегга олиб қўйганидан сўнг:

- Янга, мен сиздан қарзга берган икки юз минг сўм пулимни қайтариб олдим. Менда бошқа қарзларимиз йўқ деб ҳисобланг. Қолган икки юз минг сўмни сизга шундай берайман. Олинг-да, эрингизнинг дори-дармонига ва рўзгорингизнинг камикўстига ишлатинг. Агар қийналиб қолсангиз, ҳеч тортинмай олдимга келаверинг, қўлимдан келганича ёрдам бераман,-деди. Келинимиздан бу гапни эшитиб ҳайрон қолдик. Биз учун етти ёт бегона бир йигитнинг меҳру оқибати-ю саховатини кўриб

лол қолдик. Кейинчалик у яшайдиган туман аҳолисининг кўпчилигидан ўша йигит ҳақидаги илиқ гапларни эшитдик. У бир неча йилдан бери қийналганларга кўмаклашиб келаркан.



Ҳазир йўқ хонадонларга газ ўтказиб берибди. Бир нечта қизларни асфальтлаб, кам таъминланган хонадонларнинг болаларига суннат тўйларини ўтказиб

берибди. Бир етим болани асраб олиб, уй-жой қуриб бериб, уйлантириб ҳам қўйибди. Бу гапларни эшитиб, элимизда шундай олийжаноб одамлар борлигидан жуда хурсанд бўлдим. Биргина бизнинг оиламизга қилган яхшиликнинг ўзи таҳсинга сазовор.

Сабаби, укам бу яқин орада унинг яхшилигини қайтара оладиган ахволда эмас. Буни ўша йигит жуда яхши билади. У энг қийин дамларида кўмаклашди. Шуниси қизик-ки, унинг бундай саховатли ишларини биров билса, биров билмайди. У бундай нарсаларни гапириб, мақтаниб юришни умуман ёмон кўраркан. Бирор киши унга раҳмат айтиб эслаганда ҳам: “Мен фақат Оллоҳ олдидаги ўзимнинг инсонийлик бурчимни адо этдим холос”,-деб кетавераркан. Ҳозир ҳам сизга шу гапларни айтarkanман, унинг исмини, фамилиясини, яшаш манзилини ёзмаслигини сўрайман. У бу ишларни ўзини кўз-кўз қилиш, мақтанаш учун қилмаган. Ўзи айтганидек, ҳар бир оқил инсон бажариши керак бўлган бурчини, вазифасини адо этган. Шундай бўлса-да, мен унинг яхши ишларини бошқалар ҳам билишларини жуда ҳам истайман. Ўз навбатида ўша олижаноб йигитга укамнинг оиласи, барча ака-укаларим номидан миннатдорчилик билдирамиз. Унга ва оиласига сихат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз. Оллоҳ ҳамиша уни ўз паноҳида асрасин.

Рисқул ОМОНОВ.

Обуна—2005

ВАТАН ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Мен севимли газетам “Оила ва жамият”ни ўқирканман, ҳар бир инсон учун оила тарбиясининг кебиёс аҳамиятини хис қиламан. Чунки Ватан остонадан бошланади. Шундай экан, остона пойдевори бу оиладир.

Оила мустақкам, тинч, осойишта, тўқ ва тарбияли бўлсагина Ватанимизнинг келажаги буюк бўлади. Ахир Ватан равнақи йўлида хизмат қиладиган ҳар бир ёш инсон борки, албатта энг аввало оилада тарбия олади.

Мана шу ҳолатларни “Оила ва жамият” кенг ва очик-ойдин ўз мақолаларида чоп этиб келмоқда. Мен ўшбу ҳафтаномага доимий обуначи сифатида (1999 йилдан буён) юртдошларимизни ҳам обуна бўлишга чорлайман. Ўзим эса газетамга 2005 йил учун обуна бўлдим.

Абсоат ТўРАЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Қамши тумани,
Самарқанд кўчаси, 2-уй.

Кунларнинг бирида тахририятимиз жойлашган бинода шанбалик бўлди. Мен ҳам келиб иш столимдаги қоғозларни тартибга солиб, гулларимни тувакларга қайтадан экиб турсам, хонамнинг эшиги "ғийж" этиб очилиб тўрт-беш яшар болачанинг жингалак сочли бошчаси кўринди. У бир-икки мўралади-да, секингина олдимга кириб келди. Столга қараб қўйди-да, компьютерни кўрсатиб:

- Бу телевизор-а? Ичида "Денди"си ҳам борми? - деб сўради. Мен столда турган олма ва печенъедан олиб унга узатдим. У эса бош чайқади.

- Энди меннинг ҳам дадам бор. Дадам менга истаган нарсамни олиб беради, - деди мағрурлик билан. Мен хайрон бўлдим. Бу орада бола юрагимни титратиб дераза олдидаги ҳозиргина экилган гулларимдан бирининг баргини узиб, тишлаб кўрди. Сўнг келиб компьютеримнинг сиқчончасини босиб кўрди. Столимнинг остига бу томондан ўрмалаб кириб у томонидан чиқди. Бу шўх болани стулга ўтқизиб энди гапга сола бошлагандимки, эшик очилиб худди шу боланикига ўхшаган қуюқ, жингалак сочли эркак кўринди. У: - Кечирасиз, олдингизга бир болача... - деди-да, ортимдаги стулда ўтирган болакайни кўриб хечрасига ширин табассум ёилди. Бола ҳам югуриб бориб, отасининг қўлларига осилиб олиб, бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Тавба, улар бир-бирларига шу қадар ўхшар эдиларки, айникса сочлари...

У электрик дўстини излаб келган экан. Улар қичиб кетгандан кейин телефон жиринглади. Пастда тахририятга келган кимдир кутиб турганлигини айтишди. Тушганимдан сўнг маълум бўлдики, келган одам бир пасдан кейин келаман, деб кетиб қолибди. Қоровул ёнида бояги кишини кўрдим.

- Ўғилчангиз қани? - деб сўраганим: "Ана, ташқарида, машинанинг ичида ўтирибди", - деди.

- Ўғилчангиз сизга жуда ўхшар экан-а? - дедим ҳавасим келиб.

- Жуда ўхшайди. Лекин... Очигини айтсам уни болалар уйдан асраб олганимга энди икки ой бўлди, - деди хўсиниб. Мен берган саволимдан хижолат бўлиб узр сўрадим. Лекин у: - Хечқиси йўқ, аммо, бу ишмидан жуда хурсандман. Аслида ўзим ҳам болалар уйида ўсганман. Онам мен икки ёшга тўлганимда вафот этган

экан. Отамни эса умуман билмайман. Фақат ёлғизгина холам бор. Жуда меҳрибон. Бугун шу холамникига кетамиз. Бекободда туради. Анварни олиб келишимни қаттиқ тайинлаган. Менга бир қизни ҳам топиб

Кўнларнинг ташириларингиз... Учтақамир



кўйган эмиш. Энди чиндан ҳам уйланмасам бўлмайди, шекилли? Анварга ҳам она керак, бундан бу ёғига, - деди, жилмайиб.

- Кечирасиз... Агар сиз уйланмаган бўлсангиз, қандай қилиб бола олишга журъат этдингиз? - деб савол беришдан ўзимни тия олмадим.

- Боя айтганимдек, ўзим Тошкентдаги меҳрибонлик уйларидан бирида катта бўлганман. Болаларнинг олдига отаси, онаси ёки қариндошларидан биронтаси келса мен ўқиниб кетардим. Тунлари йиглаб чиқишимни айтмасам ҳам бўлади. Тўғри, мен ўсган жой ёмон эмасди. Ҳамма нарса етарли эди. Лекин, барибир ота-онанинг меҳрини ҳеч нарса боса олмасди. Хуллас, мен ўқиниб катта бўлдим. Холам эса ҳар замонда бир келиб кетарди. Мен ўқишга эмас, техникага қизиқардим. Мактабни тугатганимдан кейин меҳрибонлик уйдаги

муаллимларимнинг ёрдами билан, электриклик касбини ўргатадиган техникумга ўқишга кирдим. Ётоқхонадан жой беришди. Умиримда биринчи марта ўз хонамга эга бўлганимга жуда хурсанд бўлдим. Баъзилардек, уйга, ётоқхонага дарсдан қочиб келиш мен учун ёт эди. Зерикардим. Бор қучимни билим олишга, электриклик касби сирларини ўрганишга сарфлардим. Техникумни битирганимдан кейин омадим чошиб ишга жойлашдим. Маошим яхши эди.

Шунингдек, кўшимча ишлар ҳам бўлиб турарди. Оилаларнинг ётоқхонасида яшардим. Менга бу ердаги доимий шовкин-сурон ёқмасди. Ўзимга алоҳида уй олиш учун тийинлаб пул йиғма бошладим. Ниҳоят, йиққан-терганимни жамлаб бир хонали уй олдим. Мендан бахтли одам йўқ эди. Гарчанд, бор буд-шудим бир жомадонга жой бўлган бўлса-да, шу кунгек кўчиб келдим. Бўм-бўш хонага битта-ю битта ашёлимни солиб, эски костюмимни бошимга қўйиб ухладим. Муҳими уй эди, қолган жиҳозларни сотиб оларман, - деб ўйлардим. Бир кун ишга келсам ўзим ўсган меҳрибонлик уйига узилган симни тузатиш учун юборишди. Асбобларимни олиб йўлга тушдим. Болаларнинг овози эшитилаётган майдончадан ўтиб ҳовлига кирдим. Юрагим алланечук орзиқиб кетди. Чунки кўчадан келган

хар бир бегона одамга болалар бир илнж билан тикилишади. Симни ичкари хонага ҳам тортишим керак эди. Кичи ёшдаги болаларнинг хонасига кириб борганимда ўртада тўп кўтариб турган жингалаксоч болача менга қараб қотиб қолди. Сўнг: "Дадажон! Мени топиб келдингизми? Сизни роса кутдим!" - дея мушукдек бўйнимга осилиб олиб сира қўйиб юбормади. У ўқиб-ўқиб йиғларди. Бир умр ота-она меҳрига зор бўлиб ўсган мендек одамда юрак бормиди? Уни маҳкам бағримга босганимча мен ҳам йиғлардим. Хуллас, анча пайтгача ҳеч ким болани мендан ажрата олмади. Менинг ўзим ҳам мана шундай меҳрга зор эмасмидим ахир? Хуллас, ўша кун болани етаклаб юриб симларни тортидим. Бечора бола, "Дадажон!" - дея атрофимда елиб югурар, керакли асбобларимни бирпасда топиб менга узатиб турарди. Айтсам ишонмайсиз. У

рининг онасисиз. У аёл билан эса ораларида фарзанди йўқ. Шу боис эрингиз билан ораларидаги омоната болганган кўнгли риштаси хоҳлаган пайтда узилиб кетиши мумкин. Сиз эса оиладан, эрингиздан бир қадам ҳам нари кетманг. Эрингиз ўз хатосини тушуниб етиб, бир кун инсофга келиди. Кувёв кўрган, келин туширган отанинг кўнгли сиз айтгандай кўчадан барибир ҳаловат топа олмайд.

болага нисбатан бир зумда қалбимда меҳр уйғонганди. Ўзим ҳам кимнингдир меҳрига зор эканлигимни, менинг меҳрим ҳам кимгадир кераклигини тушундим. Кеч бўлди. Болага "Эртага келаман", - десам сира қўйиб юбормайди-да. Кейин бориб тарбиячилар билан маслаҳатлашдим. Менда уни асраб олиш фикри пайдо бўлганди. Улар менга ёрдам беришга ваъда беришди. Хуллас, шу кун ишга амаллаб уйга бордим. Лекин, мижа қоқмадим. Ўша бола кўз олдимдан кетмас, "Мени ташлаб кетманг, дадажон!" - дея ёлворётгандек бўларди. Эрталаб келганимда эса дарвоза олдида кўнишибгина мени кутиб ўтирган болани кўрдим. Айтишларича, у ҳам тунбўйи ухламабди. Кейин эса то болани менга расмийлаштириб беришгунча шу ерда, меҳрибонлик уйида ётиб юрдим. Уйга бола учун қаравот, ўйинчоқ ва озик-овқатлар олиб бориб қўйдим. Лекин менга болани олганимдан кейин бир йилгача уйланишим кераклигини айтишди. Мана, энди холамнинг олдига кетаяпмиз. Шу ерда ишлайдиган дўстимдан машинада бирга бориб келишни сўраганим. Насиб бўлса, балки Анвар оналик ҳам бўлиб қолар... - у сўзини тугатар-тугатмас машина ичида ўйнаб ўтирган Анвар зерикдим, кела солиб эркакнинг бўйинига осилди.

- Дадажон! Шофёр амаким келди. Сизни чақираяпти. Кетдик тезроқ амманниқига, - дея қўлидан судради. - Майли бўлмаса, тезроқ олиб бориб ўғлимни аммаси билан таништирай, - дея кўчга чиқшди.

Машина кўзгаларингиз бояги болакай бахтиёр ҳолда анчагача менга қўл силкиб кетди. Мен эса бу жингалаксоч болакайнинг омади келганидан хурсанд бўлдим. Такдир-да, икки кемтик кўнгли бир-бирига бахт беради. У отасининг болалиқда қалбида қолган кемтикларини ўзининг шўхликлари-ю, қулгалари билан тўлдиради. Дунёда учрашувлар, тасо-дифлар кўп. Бу одам диёнатли экан. У болага: "Мен сенинг отанг эмасман", деб ўз йўлига кетса ҳам бўларди. Лекин, боланинг жажжи дилини оғриттиси келмай, уни ўғил қилиб олибди. Ширин оила қуриб шу ўғилчани ўстириш учун бахт излаб кетаётган бу эркакка омад тиладим.

БАСИРА

- Бундан бир йил бурун бир йигит билан танишиб қолганимдек. У билан ака-сингиллардек дўстона муносабатда эдик. Нима бўлди-ю, бир кун менинг ёнимга дўстини бошлаб келди, - дея гап бошлади кўнгирак қилаётган қиз.

- Дўсти кўримсизгина бўлса-да, сўзамол, ўз қадр-қимматини баланд қўядиган, хушмуомала йигит экан. Бир кўришдаёқ у менинг диққатимни ўзига жалб этди. Йигитнинг ҳам менга разм солиб қараганини пайқадим. Шундан кейин у мени 2-3 марта йўқлаб келди. Буни сезиб қолган биринчи йигит қаффа бўлиб, мен билан гапашмай қўйди. Лекин орамизда ҳеч гап ўтган эмасди. Мен иккинчи йигит билан гапашиб юрардим. Бир кун у: "Мен ҳаммасини эшитдим. Сен аввал дўстим билан учрашиб юрган экансан. Бир кун келиб менга ҳам хиёнат қилиб, бошқаси билан гапашиб кетасан", - деб кетиб қолди. Мана, бир ойдики, дараги йўқ. Дўстимдан ҳам, ёқтириб қолган йигитимдан ҳам айрилиб қолдим. Ҳаёт жуда зерикарли туюлади. Ишга ҳам қўлим бормайди. Нима қилишга хайронман.

- Синглим, энди уларни ўз ҳолига қўйинг. Ёшлиқда шунақа ҳолатлар учраб туради. Бу пайтда дўстлик, муҳаббат, ўткинчи ҳою-ҳавас тўйгулари қоришиб кетади. Уларни теранроқ англаб

кўйди, оилани ошириб-тошириб таъминлаб ҳам қўйган. Шу қусурини эса ҳазм қила олмаганман.

- Эрингиз билан бафуржа ўтириб, ётиги билан гаплашиб олсангиз бўлмайми?

- Бўлмайпти-да. "Сендан ва болаларимдан кечмайман. Уни ҳам яхши кўраман", - дейди.

- Демак, унинг кўнгли иккига бўлинган. Бунда сизнинг ҳам ҳиссангиз бор, деб ўйлайман мен. Қизингизнинг бўйи етиб, ўғлингизнинг овози дўриллаб қолган бир пайтда, жон талашиб, мол талашиб юриш сизга ҳам, эрингизга ҳам ярашмайди. Сиз шундай йўл тутингки, ўша хуштор олднингизда ип эшолмай қолсин. Эрингизга кўпроқ эътибор қаратинг. Фарзандларингизни суйинг, эркаланг. Ўзингизга бошқалар назари билан разм солиб кўринг. Ҳўсун лафофатингиз болаларингизга кўчган бўлса-да, сиз унинг фарзандла-

еттиш учун вақт керак. Қай бирининг муҳаббати кучли бўлса ёнингизга қайтади.

- Кайтмас-чи? - Бу ҳам жожеа эмас. Сиз муҳаббатни эмас, муҳаббат сизни излаб келсин. Қиз боланинг қадр-қиммати ҳам шу йўсинда баҳоланади.

- Мен ҳар иккисининг олдида ҳам ўзимни гуноҳкор ҳис этиб ўзимни қўйиб қўйиб топилмаганман.

кўйди, оилани ошириб-тошириб таъминлаб ҳам қўйган. Шу қусурини эса ҳазм қила олмаганман.

- Эрингиз билан бафуржа ўтириб, ётиги билан гаплашиб олсангиз бўлмайми?

- Бўлмайпти-да. "Сендан ва болаларимдан кечмайман. Уни ҳам яхши кўраман", - дейди.

- Демак, унинг кўнгли иккига бўлинган. Бунда сизнинг ҳам ҳиссангиз бор, деб ўйлайман мен. Қизингизнинг бўйи етиб, ўғлингизнинг овози дўриллаб қолган бир пайтда, жон талашиб, мол талашиб юриш сизга ҳам, эрингизга ҳам ярашмайди. Сиз шундай йўл тутингки, ўша хуштор олднингизда ип эшолмай қолсин. Эрингизга кўпроқ эътибор қаратинг. Фарзандларингизни суйинг, эркаланг. Ўзингизга бошқалар назари билан разм солиб кўринг. Ҳўсун лафофатингиз болаларингизга кўчган бўлса-да, сиз унинг фарзандла-

еттиш учун вақт керак. Қай бирининг муҳаббати кучли бўлса ёнингизга қайтади.

- Кайтмас-чи? - Бу ҳам жожеа эмас. Сиз муҳаббатни эмас, муҳаббат сизни излаб келсин. Қиз боланинг қадр-қиммати ҳам шу йўсинда баҳоланади.

- Мен ҳаммасини эшитдим. Сен аввал дўстим билан учрашиб юрган экансан. Бир кун келиб менга ҳам хиёнат қилиб, бошқаси билан гапашиб кетасан", - деб кетиб қолди. Мана, бир ойдики, дараги йўқ. Дўстимдан ҳам, ёқтириб қолган йигитимдан ҳам айрилиб қолдим. Ҳаёт жуда зерикарли туюлади. Ишга ҳам қўлим бормайди. Нима қилишга хайронман.

- Икки нафар фарзандим бор. Қизим 16да, ўғлим 14 га қадам

рининг онасисиз. У аёл билан эса ораларида фарзанди йўқ. Шу боис эрингиз билан ораларидаги омоната болганган кўнгли риштаси хоҳлаган пайтда узилиб кетиши мумкин. Сиз эса оиладан, эрингиздан бир қадам ҳам нари кетманг. Эрингиз ўз хатосини тушуниб етиб, бир кун инсофга келиди. Кувёв кўрган, келин туширган отанинг кўнгли сиз айтгандай кўчадан барибир ҳаловат топа олмайд.

- Келинимиз уч боласини етаклаб икки ойдан бери отасиникига кетиб қолган. Биз опа-сингиллар бўзчининг моқисидай изидан боравериб-чарчадик. "Гап битта, ажрашаман!" деб турбди. Нима қилсак экан-а? - дея мурожаат этди бир аёл.

- Жанжалнинг сабаби нима? - сўрадим ундан.

- Бир аёл кўнгирак қилиб: "Эрингизнинг хуштори бор. Йиғиштириб олсангиз бўлмайми?" - деган экан, шу-шу акам билан келишмай қолди. Акам алам устида: "Авалл юрмасам ҳам, энди юраман", - деб айтибди. Бор гап шу. Онаминг ёши ўтиб қолган. Иссиқ-совуқ, ёш-чир дегандай, қийналиб кетдилар.

- Акангизнинг фикри қандай? - Хар қандай йигитнинг ҳам кези келганда бўйни йўғонлашади.

Кўнгирақларингиз...

"Яшаса яшайман, яшамаса марта кўча", - дейди. Икки-уч марта хотинининг орқасидан борди. Энди эса: "Бормайман, келиб яшаса мана уй, ноз қилса, ўнга заркоқил ўғил туғиб берса ҳам, изидан ялиниб бормайман", - деб ўтирибди.

- Келин рашк қилгани учун ҳалиям ҳовридан тушолмаётган бўлса керак. Бунақа воқеаларнинг кўпини кўрганмиз. Хатто судга мурожаат этиб, синов мuddати даврида аризаларини қайтариб олганларни ҳам кўрганман. Орада у-та бола бор экан, гина, аразга нима бор? Тавақал қилганлар эса охир-оқибат пушаймон бўлади. Ташвиш тортманг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

- Илоё, айтганингиз келсин. Аёл хуш қайфиятда мен билан хайрлашди.

Азиз мухлислар! Кўнгирак қилган инсонлар ўз муаммоларини ҳал қилишда биздан маслаҳат, ёрдам сўрашади. Турмушда эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам бошидан не савдолар ўтмайди, дейсиз? Жуда қисқа ва ўзгал бу ҳаётдаги қийинчиликларни енгиб, яшашимиз эса ўзимизнинг ақлу-фароситимизга, иродамизга боғлиқ!

Тоҳир НОРИМОВ

Хотини, боласини сўраб борган Алижонни газаб тўла таъна-дашном билан кутиб олган қайнота оппоқ харир кўйлакдаги қизига берган оқ фотиҳасини унутганга ўхшайди. "Қадамнинг кутлуғ бўлсин! Борган жойинг гул бўлсин!", - деб дуо қилган ота қизига фақат яхши ният тилагани наҳотки эсидан кўтарилган бўлса?
Алижоннинг қайнотаси! "Умр-мураса" эканлигини наҳотки фаҳмла-

Азиз қизим, сизни худбинлик касалига мубтало этибдилар. Ҳаммани ерда қолдириб, сизни кўкка олиб чиқиб кўйишибди. Сизга айтадиган ўғитим шуки, инсон юксакликка пул-мол, таниш-билиш, таъмағирлик билан эришмагай.
Аёл кишида шундай қудрат борки, агар унинг нияти, феъли покдомон бўлса, ўзига гард юқтирмай, ёнидагиларнинг ҳам инсофу виждонини тўғрилад қўя олиши мумкин.

Энг яхши онлари мождарлар қурбони бўлаётган Маҳбуба-хонга яна айтадиган

ОЛАМ АДОЛАТ БИЛАН

маган бўлсангиз?! Қайнота ҳам ота, дейди халқимиз. Ё қизингиз борган оиланинг қонун-қонидаси нимаси биландир сизни-кига ўхшамаган бўлса, тезоблик қилиб ўзингизга маъқул бўлган қонидани мажбуран тадбиқ этиб, кимлигингизни кўрсатмоқчи бўлдингизми?

Муҳаббатнинг чироғи қизингиз қалбини мунаввар этиб турган бўлса, у ҳар қандай қийинчиликларни енгизишга қодир. Қизингизга, "Борган жойинг гул бўлсин!", деган дуонингиз кувёни олдига солиб хайдаш билан ижобат бўлмайди, ўзига-ўзи қаршилик қилаётган қайсар қайнота. Бу дуони оқибатсиз айтгангизга энди иқроор бўлгандирсиз?!

Маҳбубахон, синглим. Сиз ҳам бахтингизни эҳтиёт қилинг. Бунда моллар, оналар, янгалар ўғити, ибрати сизга кўмак бўлсин. Мурасаю, мадора деганлари ҳам худди шу бўлса керак.

Шукр қилишни билмаган одам бахтни танимайди. Қанчалик ишлаган, дангиллама уй қуришга имконияти етмайдиган, сизни ва ўғлингизни жондан севадиган, керакли нарсаларни кам-кўстисиз етказиб турган Алижоннинг ҳақи-хурмати туну-кун шукроналар айтиб, ўғилчангизни етаклаб, дадаси ёнига қайтиб келинлар.

Синглим! Молу давлатга ошқича ружў кўнглингиз кўзини кўр қилганга ўхшайди. Нафс бойликка интирилиб, унинг ишқивозига айланганлиги рост қикмасин, тагин.

"Зора қалби юмшас..." 42-сон

ЭСАЛТА: Алижон Маҳбуба билан 9 йил яшаб фарзана кўрмади. У хотинидан розилик олиб иккинчи бор уйланганда сўзга ҳар иккисини ҳам ўғил туғди. У эса Маҳбубанинг ёнига қайтди. Аммо уни отаси олиб кетди. Маҳбуба эрини яхши кўради, аммо, ота-она раъйига қарши бора олмайди. Қайнота-қайнотаси бир куни инсофга келармикин?

Муаллиф: САНОБАР

ПОЙДОР

сўзим - ҳақиқий ишқ холисонадир. Сиз кўнги кўйган кишингизга бир умр бахт тилаб яшайсиз. Унга азиз бўлган нарсалар сиз учун ҳам муқаддасдир. Бахтингизни кўнглингиздан чиқарманг. Муҳаббат-

ни моддий нарсга айлантмаслик жоиз. Бу ёруғ дунёдан орттирган муборак хазинангизни кўз қорачигидек асрайсиз, деб ишонаман. Қирқ туяга юк бўладиган ҳийла, яъни, турли танг ҳолатларда тафаккур билан эсон-омон чиқиб кетиш имконияти аёл кишига берилган экан, сиз ундан ўрнида фойдаланасиз, - деб ўйлайман. Ўзингиз ва ўғлингизни асраш учун ҳам жуфтингизни бой бермаслигингиз керак.

Алижонни исканжага олган қайнота ва қайнонага яна бир илринг - инсоф сари чорлашдир. Агар киши ишни тўғри бажарса, унда ички қониқиб пайдо бўлади, атайин нотўғри бажарса, инсофдан чиққан бўлади.

Оилани бутун сақлайдиган омилларнинг энг муҳими - кечиримли бўлишдир. Кечирингиз-гарчи оний ютқазиб бўлса-да, бунда бутунлик, яхиллик ютиб чиқади. Қизингиз ва набиранингизни отасидан ажратиб олиб ўтирганингиз билан уларни қаттиқ койинтиргансизлар.

Жон кушандаси ҳам, мол кушандаси ҳам ўғли бор уйдан ҳайиқади. Барча ишларингиз ўз изига тушиб кетади.

Мерган БҲМАТОВ,
Самарқанд шахри.

ИНСОН АЗИЗОЛИГИ

Халқимизда: "Одоб буюк тождир, уни кийгин-да, қаёққа борсанг бора-вер", - деган ажойиб нақл бор. Дарҳақиқат, одоб тожини кийган инсон ҳеч ерда хор бўлмайди, қаерга борса, одамлар уни ҳурмат билан кутиб олади. Боланинг одоб-ахлоқи эса албатта ота-оналарга, уларнинг берган тарбиясига боғлиқ.

Мақолада кўтарилган муаммо кўпчиликини ўйга толдирган бўлса ажаб эмас. Бола тарбиясида аввало она масъул, лекин бу боланинг тарбиясида ота иккинчи даражали шахс дегани эмас. Ота ҳам, она ҳам бола тарбиясида баб-баравар жавобгар. Фақат эрақлар кўпроқ кўчада иш билан банд бўлишганлиги сабабли, оналар фарзанд тарбияси билан кўпроқ машғул бўлишига тўғри келади.

Касбим аслида педагог бўлгани туфайли, болалар билан мулоқотданман. Энг биринчи навбатда уларнинг муомаласига эътибор берман. Бугунги кунда ўғил болаларнинг сўхбатига ҳеч эътибор берганмисиз? Уларнинг оғзидан чиқаётган гап-сўзларга илон пўст ташлайди (айниқса ўзаро баҳс-мунозараларда). Бола бундай "чиройли" сўкини гапиришни кимдан ўрганайди? Мақтабда ўқитувчилар уларга бу хилдаги сўкинишларни ўргатмайди-ку...

Ўзимда, суюкли адбимиз ўткир Хошимовнинг ҳикояларини ўқиганимда адбнинг ота-онасига қалбимда ғойибона меҳру-муҳаббат уйғонган. "Онам ҳеч қачон бизларни уришмас, энг қаттиқ танбеҳи "отанга айтаман" ёки "отангнинг нарсаларига тегинма, жали қиқади", дердилар", - дея хотирлайди ёзувчи. Отанинг калтаги ёки сўкиши эмас, балки салобати, норозилиги ҳам бўлган лаҳзалик сукут бола қалбини ларзага келтирган. Бугунги куннинг ота-оналари ўрта-

сидаги (айримларида) гап-сўзларни эшитган бола уларни ҳурмат қиладиими?!

"Ота-онам бўлса-да, улардан сираям меҳр кўрмаганман, - дейди бир дугонам. Боиси, отам кўп ичар, уни бу аҳволда кўрган

онам қарғаб, аламини бидан олларди.

Отам ичмаган пайтида тинимсиз бизларни сўкарди. Онам ҳар доим отамни, унинг хатти-ҳаракатларини қоралар, у ҳақда ёмон фикрда эди. Улғайиб, оқ-қорани танидим. Ҳаётда нимага эришган бўлсам, бу устозларим—уларнинг йўл-

"Ўғлимнинг кўзидан оққан ёш..." 40-сон

ЭСАЛТА: "Турмуш ўртоғим жуа қўлол. Арзумаган нарсга ҳам жаҳли чиқиб кетаверади. Болалар билан ҳам муомаласи кўрс. Тўнғич ўғлим 4 синфда ўқийди. Дарслари мураккаб. Савол бериб қолса, «Онангга бор, бошимни қотирма»,-деб жеркиб беради".
Н. ЙҲЛДОШЕВА



йўриқлари, китобга бўлган муҳаббатим туфайли. Ота-онамни ҳурмат қиламан, лекин... Фарзандимга улардек тарбия беришни истамасдим". Бу ўқимишли дугонамнинг надоматлари...

Оила-тарбия ўчоғи. Ота-оила устуни бўлса, оналар хонадон файзи, чароғбонидир. Кузатишларимдан шунга иқроор бўлдимки, фарзандлар ота меҳрига кўпроқ ташна бўлишар экан. Бу ҳам оталар зиммасидаги масъулиятни янада орттиради. Мен шу ўринда оталарга бир сўз айтмоқчиман: Азиз эрақлар! Хонадонингизда улғаяётган гул-гунчаларга кўпроқ меҳр беринг. Улардан сира вақтингизни аяманг Сиз ўз зурийдингизнинг қалби кемтик бўлиб ўсишини истамасангиз ўзингиз унга ибрат бўлинг. Токи, фарзандингиз сиз беришингиз керак бўлган меҳрни ўзгалардан қидирмасин!

Фарида ТОҲИРОВА

Мақолани ўқирканман кўз олдидан кўп нарсалар ўтди. Наҳотки, менинг ўғлим ҳам ёши эллиқдан ошганда шу кишининг аҳволига

турмушга чиқиб, ота уйига қайтиб келган. Ўғлим 21 га кирган бўлса-да ҳали ўз ҳуқуқини ҳимоя қилолмайдиган мурғак. Қаёққа эгса шу ёққа эгилиб

Онам хавотир олмасинлар", деб кетади. Шунгача ўғлимнинг бу қиз билан танишганию, ўртадаги ишқий сарғузаштларидан беҳабар эдим. Шундан бери у ўзини менга икки бор кўрсатди. Биринчи келгани талаб қиз ҳам бирга эди. Беш кун туришиди. Сўнг уйни қизнинг номига ўтказиб беришимни талаб қила бошлашди. Мен рози бўлмагач кетишди.

Кизнинг гурунгла-ри менга кўп нарсани аналтди. Улар «зиёратга», деб кетган вақтда аввалига енгил оёқ қизлар турадиган хонадонда яшаган. Сўнг 92 ёшли кампирниқиди ижарада турганлар. Момонинг хатида ёзилишича аввалига икковлари яхши туришган, ўзларини ҳам яхши тутишган. Ўғлимнинг ичмаслиги, чекмаслигини мақтаган. Қиз момодан олган 2000 сўм қарзни, ижара ҳақини,

электрнинг пулини тўламасдан қочиб қолишган. Буларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари момода қолган. Момонинг бир жуфт қалиши ва бир жуфт шиппагини ҳам ўғирлаб кетишган.

Хуллас, ўш қизга қўшилган ўғлим менинг шайнимга ҳам иснод келтирди. Ўғри деган тавқи лаънат бўйига осилди. Тарбия беролмаган она бўлиб қолдим. Бир қанча жойларга мурожаат қилиб наҳот тополмадим. "Кейинги пушаймон"ни ўқидиму қандайдир йўл очилгандай бўлди. Шу баҳона ўз дардларимни баён этишга жазм этдим.

Азиз оналар! Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг. Ўғлингиз, умуман фарзандингиз битта (илоҳо кўп бўлсин!). Уни бир бетайин "севиб" эгаллик қилиб олса, бағрингиздан қилиб олиб кетса, қандай ҳолда қолардингиз? Ўзимдан ўтганни фақат ўзим биламан. Мени англаганлар тушунадилар.

Мақоладаги кишига ўхшаб ўғлим ҳам бир куни Умида томонидан ҳайдалади. Унгача бола-чақа орттиради. Уй-жойли бўлади. Болалари вога

етгач ўғлимнинг кераги бўлмай қолади. Кейин-чи? Пушаймонлик. Ушанда ўғлим мени тополармикин? Бир йигитнинг умри куймоқда. Шундай ривоятни эшитгандим. Бир йигитнинг ҳам онаси, ҳам хотини дарёда оқиб кетаётган экан. Ушанда у биринчи навбатда онасини сувдан олиб чиққан экан. Сабабини сўрашганда хотин топилади, аммо, онамини тополмайман, деган экан. Ҳозир ўғлимнинг кўзлари кўр, қалби ҳам сўқир. Кўзига фақат Умида кўришиб турибди.

Қизнинг отаси коллеждардан бирида домла. Ҳар куни ёшларга тарбия мавзуида сабоқ беради. Шу киши қизларининг тарбияси, ўғлимни тузоққа илин-тириб, унинг умрини, менинг юрагимни қуйдираётгани ҳақида ўйлармикин? Мен ўзимга йўл, таскин, мадад қидираялман. Ажаб эмас, юртимизнинг кўплаб қайноналари, оқил ва до-нишмандлари жўяли мас-лаҳатлар айтишса...

С. Қарши шахри.

ПУШАЙМОН БЎЛГУНУЧА КУТОЛМАЙМАН

"Кейинги пушаймон" 41-сон

ЭСАЛТА: Йигит пайтимда уч болали аёлга уйландим. Отамни норози қилганим учун ўзимга қайтди. Мендан уч фарзанди бўлади. Лекин хотиним ҳам, болаларим ҳам чиқиштирмай қўйишгач, уйдаи чиқиб кетам. Сарсон бўлаам. Нима қилишга ҳайронман.
Муаллиф: Тоҳир НОРИМОВ

кетаверади. 2003 йил 14 апрелда ўғлимни кўрқитиб, ЗАГСга олиб борадилар ва никоҳдан ўтказадилар.

28-май қизнинг туғилган куни экан. Уша куни ишга кетганимда ўғлим кўшнимнинг боласи-га: "Мен уч кундан кейин келаман. Зиёратга кетаяпман.

Қиз ўғлимдан катта, аввал

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Қадри жигарбандимиз Ойшахон ИСЛОМОВА!
Таваллуа айёмингиз билан самимий қутлаб, сизга соғлиқ, қилаётган хайрли ишларингизга ривож шайдимиз.

Эҳтиром билан: акаларингиз, опаларингиз, укаларингиз ва сингилларингиз. Самарқана-Пастаарғом.

Меҳрибон МАЪПИРАТ аяжонимиз!

Сизни муборак "1000" ой юзини кўришингиз, яъни, 80 ёшингиз ила табриклаймиз! Сизга соғлиқ ва яна-да узоқ умр тилаймиз.

«Обо» маҳалласи аҳли ва яқинларингиз номидан укангиз Иброҳимжон.



Жияним СУЛАТОНБЕК!
Сени таваллуа айёминг билан қутлайман. Опам Насиба ва почма Омонбойларнинг бахтига соғ-омон бўл.

Отанг Сотимбой, тоғанг Сардорбек, онанг Гулбаҳор ва ходаларинг

Азиз қизимиз Дилбар ТУРАЕВА!
Сени таваллуа кунинг билан муборакбод этаман. Сенга омад, бахт ва тола ҳамиша ёр бўлсин. Доимо сенинг бахтингни кўриб юрайлик. Оллоҳ сени доимо ўз панохида асрасин. Дадаанг Абсоат Тураев, онанг, опаларинг Гулнора, Диофуза, сингилларинг ва укаларинг.

Қақшақарё вилояти, Қамашу тумани.

Хурматли Маҳмуа ака ЮЛДАШЕВ!

Сизни ўтган муборак хайит айёмингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга соғлиқ, оилавий бахт ва шодонгизда улкан зафарлар тилайман. Шоира Хасанова.

ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази кизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандларини учун чегирмалар бор.

Ўқув муддати 2 ойлик курслар
- Бичиш-тикиш - "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш - Бисерлардан фойдаланиб тикиш - Бошланғич компьютер билимлари (Windows 2000) - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш - Сартарошлик - Косметология - Маникюр-Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси-Қандолатчилик-олий курс.

Ўқув муддати 3 ойлик курслар
- Миллий кўрга-кўрпачалар тикиш - Юмшоқ ўйнеқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш.

Ўқув муддати 4 ойлик курслар
- Массаж ва уй ҳамширалиги - Бичиш-тикиш (бошловчилар учун) - Машинада гул тикиш (вишивка).

Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.
Манзил: "Халқлар дўстлиги" метроси. Фуқат кўчаси, 1-уй. Мўлжал: Республика спорт қўмитаси. 2 қават, 202 хона, 413 хона.
Телефон: 45-18-42, 29-28-58.

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФИРИГАН ҚУВУҒИ БУШ УГИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАРНИ БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.

Бўйрак қувуқ, простата беши қасаллиқларини ДАВОЛАЙДИ.
Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жантот маҳалла) Мўлжал: Метронинг. Ф. Фулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача. Чорсудан 123, 100 автобус. Марш. такси. 2, 4, 7, 77, 91. Себзор бекати.

«ЎҚТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:
1. Тикиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамширалар - 6 ой. 4 ойи ўқиб, 2 ойи амалиёт машғулотлари ўтказилади. 3. Компьютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Яқка тартибда, қаролати. Бисер-2 ойлик. 4. Сартарошлик - 3 ой, амалиёт билан. 5. Тиббий массаж - 2 ой, амалиёт билан. 6. Торт ва турли пиширчиқлар - 2 ой, олий курс - 1 ой. 7. Парда, чойшаблар. Элита усулида замонавий тикиш - 1 ой. 8. Сартарошлик (Эржакар учун) - 2 ой. Қашталчилик - (машинада вишивка) - 3 ой. 9. Илғиз тили - 3 ой. 10. Рус тили - 3 ой. Ҳунари тугатилганларга диплом берилади. Ҳунарга қабул ҳар кун.

Манзил: Юнусобод тумани 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95.

«Оила ва жамият ўғитномаси»

Шалолани тинмасдан шовуллаб турар, Эгаси йўқ ҳовли ҳувиллаб турар. Забо санамларни фарқлаш қийинмас, Ёноқлари доим ловуллаб турар.

Яхши, ёмон куннинг сапаси бордир, Донолар ўғитин маъноси бордир. Меҳрибонлик уйи паноҳи бўлган, Шу мурғак гўдақнинг онаси бордир...

Гоҳо пул, сиздан ё биздан кетади, Олдин эллик, сўнг "юз-юз" дан кетади. Ундан сўнг бир ишчи, кейин муштлашув, Қора доғлар қачон кўздан кетади?

Учар ликобчадан қимлар гап очар, Кўйра-ку, ҳаллослаб, уйига қочар. Осмон мўъжизасин билмадим, аммо, Жанжалли уйдан ҳам тарелка учар.

Ўтиб бораверар йиллар қарвони, Ўзингсан эй дўстим, дўстлар сарбони. Дўстлар даврасида тилагим шуки, Ҳар кимнинг ушалсин, орзу-армони.

Мол-дунё орани бузиб кетади, Жанжал ҳам босилмай, қизиб кетади. Жой учун талашган ака-ю ука, Қариндош-уруғлар тўзиб кетади.

Бир ажиб ҳис туйдим, ҳидлаб гулларни, Эъозланг, гул эккан ҳадоқ қўлларни. Аксинча пул эмас, гуллар қондирар, Садоқат меҳраи ташна дилларни.

Ўғлингдан мақтаниб юраверасан, Пули ҳам аямай бераверасан. Сен эккан бу ниҳол катта бўлсин-чи, Аччиқ мевасини кўраверасан.

Пардабой ҚУЛАТОВ,
Сурхондарё вилояти,
Жарқўрғон тумани

ХУРМАТЛИ ХАМШАҲАРАР ВА ПОЙТАҲТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Республикамиз ҳудудида Вазирлар Маҳкамасининг 622-Ф фармойишига биноан 10 ноябрдан 10 декабргача


ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Ўтказилиши муносабати билан ёнғинни олдини олиш ва уни бартараф этиш ишларида фаол қатнашишингизни сураймиз.

Ёнғингизда тўтинг, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш орқали Сиз ёнғиннинг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкнингизни, ўзингиз ҳамда атрофингиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўласиз.



Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги 125-мактаб томонидан 1997-йилда Шерматов Шерзод номинга берилган 0338-67 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Об-ҳавони кузатиш марказининг берган маълумоти-га кўра, республикамизда ҳаво ўзгариб туради. Барча ҳудудларда ёнғингарчилик бўлиши мумкин. Шамолнинг эсиши кучаяди. Ҳарорат кечаси 7-12°, кундузи ҳарорат 18-23° дан 10-15°гача пасайиши кутилмоқда.

БУ БАЛОДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Инсоннинг ҳаётида энг қадимги ва биринчи топилган кашфиётлардан бири оловдир. Оловсиз бирор-бир хонадон ва корхона бир кун бўлса ҳам "танафус" қилолмайди.

Республикамиз энг чекка қишлоқ ва овулларига табиий газ қувурлар орқали етказилмоқда. Табиий газ кўп тарафлама фойдали бўлгани билан, тилсиз ёв - "ёнғин" мавжуд. Ёнғин эса одамларнинг озгина эътиборсизлигини кутиб туради ва бошга катта ташвишлар ёғдиради. Олов ёнғин талофатига айланб кетмаслиги учун ёнғин хавфсизлиги хизмати доимо курашиб келмоқда. Соҳа ходимлари ёнғиннинг олдини олиш учун нималарга риоя қилиш лозимлигини аҳолига ҳар доим тушунтиридилар. Аммо ҳамма жойда ҳам газдан оқилона фойдаланилмоқда деб айтиб бўлмайди. Табиий газдан фойдаланишда оловни назоратсиз қолдириш, резина шланг орқали улаб фойдаланиш ва нотўғри ишлатиш оқибатида кўнгилсиз воқеалар содир бўлаяпти.

26 июн куни Наманган вилоятининг Поп шаҳри, Келан маҳалласи, Аҳмад Яссавий кўчасида яшовчи Ҳ.Масавиров ўз уйининг ошхонасига мутахассислар назоратсиз табиий газ ҳисоблагичини ўрнатиб текширмоқчи бўлиб гўгурт ёқади ва сизиб чиқаётган газ алангаланиши натижасида 80 фоизли күйиш - тан жароҳати олади.

12 май куни Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Қорғуппа қишлоғида яшовчи Г.Исаматова ҳаммомидаги қўл бола сув иситиш қозонини ёқиш вақтидаги эҳтиётсизлиги оқибатида 35 фоизли күйиш - тан жароҳати олган. 10 октябр куни Термиз шаҳар, Зулфия кўчаси 47-уй ошхонасида плита табиий газ тизимига резина шланг орқали уланган жойидан газ чиқиб туради. Газ плитасини ёқиш вақтида портлаш содир бўлиб, уй бекаси П.Холлиева 65 фоизли күйиш-тан жароҳати олган.

Ёнғин натижасида йиллар давомида меҳнат қилиб кўтарилган уйлар ва молу мулклар санокли дақиқалар ичида йўқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Ваҳоланки оловни бошқариш, тўғри ишлатиш инсоннинг ўз қўлида. Шунинг учун азиз фуқаролар!

- Газ асбобларидан фойдаланишда дераза дарчасини очиб қўйишни унутманг. Ёқилган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг. Бу асбоблардан фойдаланишни билмайдиган шахсларни ва болаларни асло яқинлаштирманг.

- Газ плитаси устида кир қуритиш ўта хавфли эканини ёдингизда тўтинг.

- Газ сизиб чиқишини текшириш учун очик алангдан фойдаланманг - бу портлашга сабаб бўлиши мумкин. Бўнинг учун яхшиши совуни эритмасидан фойдаланинг.

- Газ тўлдирилган баллонлар газ плитасидан камида 0,5 м. ва иситиш радиаторидан 1 м. узоқликда жойлаштирилган бўлиши керак. Баллонларни ўт ёқиладиган печларнинг эшикларига қаршисига қўйиш қатъиян ман этилади.

- Суюлтирилган газ тўлдирилган қурималардан фойдаланганда хавфсизлик қондаларига риоя қилинг. Рустам ТУМАНОВ, Ўзбекистон ИИБ ЁХББ муҳандиси, катта лейтенант

КҮЙ (21.03 — 20.04). - Ҳамма муаммоларни унутиб, табиат бағрида хордиқ чиқаринг. Ҳафта сизга омад келтиради.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Бироз тушқунликка тушасиз. Аммо, қалбингизга қулоқ тўтинг. Таътилга чиқиб, оилангиз билан саёҳат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Ўзингизда бироз толиқиш сезсангиз-да, бошлаган ишингизни ниҳоясига етказинг. Натижасидан қувонасиз.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Турли миш-мишларга ишониб, кайфиятингизни бузманг. Кўнгилсизликларни вазиимлик билан бартараф қилинг.

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Ҳафтанинг биринчи ярмида қутилмаган таклифлар тушади. Маъқулни танласангиз, ютқизмайсиз.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Шинамлиқни ёқтиргангиз учун шу ҳафтада табиатнинг бирор гўшасида дам олиб келишга вақт топшингиз керак.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Оилада муаммо туғилиши мумкин. Сиз вазиятни чигаллаштирмай, дўст ёки дўгонларингиз билан дардлашманг. Ўзингизга келасиз-қўласиз.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Фаолроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Ҳар бир кунингиздан унумли фойдаланинг. Бу сизга ютук келтиради.

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12). - Кўпроқ иш билан банд бўлсангиз-да, ҳафтани муҳим кўнгириклар қутиш ва учрашувлар билан ўтказасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Ҳафтани голибликка интилиш билан бошлайсиз ва катта ютуқларга эришасиз.

ҚОВФА (21.01 — 18.02). - Йирик буюмларни харид қилмай турганингиз маъқул. Маблағингизни энг зарур нарсалар учун сақлаб қўйинг.

БАЛИК (19.02 — 20.03). - Қарздор бўлиб қолмасликка ҳаракат қилинг. Уйингиз шинам бўлиши учун кўпроқ гуллар ўстиринг.

МУНАЖЖИМЛАР

БАШОРАТИ

1988-йил 5-апрелда туғилганман. Келажақдаги орзуим ҳисобчи бўлиш. Менга А.Санаев, Ёдгор Мирзажоннинг қўшиқлари ёқади. Барча ҳинд фильмларини севиб томоша қиламан. Кўшиқ тинглаш жону дилим. Хоббим дунёдаги гўзал шахарларнинг расмини йиғиш. Пишириқлар тайёрлашга қизиқишим балид. Атрофимда садоқатли дўстларим кўп бўлишини истайман. Мол-дунёси кўп одам бадавлат эмас, балки, дўсти кўп одам бадавлатдир.

Феруза ХОЖИАХМЕДОВА,
Тошкент вилояти,
Паркент шаҳри,
А.Навоий кўчаси 21 уй.

Ёшим 15 да. 9-синф ўқувчисиман. Бўш вақтларимда пишириқлар пиширишни, тўқишни ва уй ишлари билан шуғулланишни ёқтираман. Корёя киноларини қизиқиш билан кўраман. Оқ рангин ёқтираман. Жуда кўп дўстларим бўлишини истайман. Ҳамиша ҳаётда ўзимга дилдош, яхши суҳбатдош топишга интиламан. Улуғларимиз айтганидек, яхши суҳбатдош билан ёмон суҳбатдош атир сотадиган атир билан темирчининг дам босадиган босқончисига ўхшайди. Атир сизга бирор атир бериши мумкин, босқончи эса ё кийимни куйдиради, ё ўзидан ёмон ҳид қолдиради.

*Атирға ўхшайди яхши суҳбатдош,
Атири бағишлар, атир муаттар.
Ёмон суҳбатдош-чи, босқончи гўё,
Кийим куйдира ё бад ҳид таратар.*

Диловар САИДОВА,
Тошкент шаҳри,
Акмал Икромов тумани,
11-кв, 14-уй, 6-хона. Инд: 700123

Тахририятга мактуб йўллашдан мақсадим шуки, газетангиз орқали дўст орттирмак ниятидаман. Сизларга оғир ҳам хат юборган экан. Опамнинг мақоласи газетда чоп этилганди. Ҳозир опамга икки киши мактуб юборибди. Опам бундан жудаям хурсанд.
Мен 1995 йил туғилганман. Ҳамма нарсага қизиқаман. Мен билан танишмоқчи бўлган барча ўғил-қизлар билан дўстлашмоқчиман. Хатларингиз орқали суратингизни ҳам кутиб қоламан.

Жавоҳир БОТИРОВ
Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани,
Тўда қишлоғи,
12-ўрта мактабнинг,
3-синф ўқувчиси.

1987 йил, 17-феврал куни туғилганман. Мен табиятан оғир-босиқ ва жиддий кизман. Шунинг учун дўстларим кўп бўлишини истайман. Мен билан дўстлашмоқчи бўлган тенгдошларимнинг хатларини интизорлик билан кутаман.

Ҳамида Жабборова,
Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани,
Тўда қишлоғи.

1989 йил 30 ноябр куни Навоий вилояти, Учқудук шаҳрида дунёга келдим. Қиш фаслини, оқ атиргулни, "Қиш сонатаси" сериалини ёқтираман. Хоббим: компьютерда ўйнаш. Оғир-вазмин, тўғри сўз ва камтарин инсонларни жуда ҳам ҳурмат қиламан. Қилган яхшиликларидан мактаниб, гердайиб юрадиган одамлар билан илоҳи борича дўст тутинмасликка ҳаракат қиламан.

*Яхшилик айлагин, миннат қилмагил,
Зое бўлур барча савобу эҳсон.
Қилган яхшилигин сўзламас ҳаргиз,
Имону одобга содиқ мусулмон.*

Ўғиллой ХОЖИЕВА,
Навоий вилояти,
Учқудук тумани, 7-10-11.

Адабиётга, шеърятга қизиқаман. Чунки, шеърятга ошно бўлган инсоннинг қалбида ёмонлик бўлмайди. Гўзалликнинг кадрига етадиган, ёмонликдан юз бурадиган кишининг қалбида нозик ҳаёллар ҳукмрон бўлади. Мен билан дўстлашгани истоган тенгдошларим эътиборига куйидаги шеъримни ҳавола этаман...

*Оптоқ қор ёғмоқда қаро тун аро,
Дарахт шоҳларида, томларида ҳам қор.
Ҳамма ёқда аёз, совуқ шамол бор,
Битта менинг қалбим, кўзимда баҳор.*

*Қорбўрон ўйнашар далада қизлар,
Болалар канада учиб бахтиёр.
Деразадан узоқ кузатаман жим,
Шу онда у ҳақда мен суриб ҳаёз.*

Дилноза ИСРОИЛОВА,
Самарқанд вилояти,
Пайарик тумани,
А.Қодирий кўчаси, 8-уй,
инд: 704400.

Ёшим 22да. Ҳозирги кунда ОАО "Навоиозот" корхонасида ҳисобчи бўлиб ишлайман. Ҳаётда жуда кўп нарсага қизиқаман. Севги, муҳаббатни қадрлайман.

Бўш вақтларимни радио тинглаш, кроссворд ечиш билан ўтказаман. Шиорим: "Ёмонликни ортга ташлаб, яхшиликка интилиш". Хоббим ўз расмларимни йиғиш.

Мен ҳаётда жуда шўх кизман. Шухрат Қаюмовнинг "Айрилик ва армон", Анвар Санаевнинг барча қўшиқларини севиб тинглайман. Айниқса Атиргул-2 жону дилим. Ишдан келганимда шу қўшиқни тингламасам гўё бир нима етишмаётгандай бўлади.

Орзуим Ўзбекистонимизни бир кезиб чиқиш, айниқса мадрасаларни айланиш. Қишнинг оппоқ қорларини, ёзинг иссиқ кунларини, баҳорнинг нафис гулларини, кузнинг олтин япроқларини яхши кўраман. Кино фильмларни ҳам жуда севиб томоша қиламан. "Қиш сонатаси", "Ёз ифори", "Куз эртаги", "Муҳаббат ва эҳтирос". Мен билан дўстлашсангиз дўстлигимиз абадий бўлиб қолади.

Дилбар КАРИМОВА,
Навоий шаҳри,
Навоий кўчаси -5, ОАО "Навоиозот".



Мен айна кунларда жуда ҳам бахтиёрман. Бунинг боиси узоқ йиллар давомида йўқотиб қўйган бир дўстим билан тасодифан учрашиб қолдим. У билан бир ошхонада роса суҳбатлашиб ўтирдик. Унинг ҳаёти мен ўйлаганимдан ҳам яхшироқ даражада экан. Яъни, у бахтли оиланинг отаси экан. Дўстимнинг бахтли ҳаёти ҳақида, бу каби яхши хабарлар эшитиш мен учун қувончли ҳол эди.

У менга ҳам оила, рўзғор ва ҳаёт ҳақида кўп мулоҳазалар билдирди. Дўстимнинг фикрларидан сабоқ олиб, менда ҳам келажақда ана шундай чиройли бир оиланинг устун бўлиш истаги туғилди.

Келингар, азиз юртдошлар! Мактуб орқали бўлса-да, ҳаёт ҳақида сирлашайлик, диллашайлик.

Вали МУҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилояти,
Ургут тумани,
Қайроқли қишлоғи.

1987 йилда туғилганман. Мен 7 ёшдан 70 ёшга бурган барча юртдошларим билан танишмоқчиман. Яъни, дўстлашмоқчиман. Ўзим ҳақимдаги маълумот билан ёзишмақаримиз орқали билиб оласиз. Хатларингизни интизорлик билан кутиб қоламан.

Ойсаҳат ХОЛМАМАНОВА,
Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани,
Тўда қишлоғи,
10-ўрта мактаб.

Мен тоғ эчкиси буржи остида туғилганман. Компьютерга, тикувчиликка, сурат чизишга ва мусиқа тинглашга қизиқаман. Хориж эстрадасини севиб тинглайман. Севимли машғулотим - гулларни парвариш қилиш. Дўстлар кўп бўлганига нима етсин!

ГАВҲАР,
Сурхондарё вилояти,
Термиз шаҳри,
Навоий кўчаси, 36-уй,
инд: 732012

Касбим ўқитувчи. Ҳар тонг болалар ҳузурига ошиқар эканман, уларни ҳамиша ҳалол ва ростўй бўлишга чақираман. Улуғларимиз рост гапиринлар, агар ростликда ҳалокат бор деб билсаларингиз ҳам, чунки аслида наҳот ростликдадир. Ёлгон гапирманлар, агарчи ёлгонда наҳот бор, деб билсаларингиз ҳам, чунки аслида унда ҳалокат бордир", - деб бежиз айтишмаган.

Ирода ТҮЙЧИЕВА,
Сирдарё вилояти,
Меҳнатобод тумани,
Қахрамон кўргони,
"Болалар дунёси" кўчаси 14.

Мен сендан бир умрга миннатдорман. Нима учун? Чунки "Келинг дўстлашайлик" руки остида чоп этилган дил сўзларимдан кейин, жуда кўп дўстлар орттирдим. Ҳозир уларнинг ҳар бирлари билан хат орқали суҳбатлашиб, дардлашиб турибман. Улар турли вилоятлардан. Ёшлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бухоро вилоятдан Шохида Аҳмедова ва Нигора Зарипова, Тошкент вилоятдан Дилором Дўлтаева, Самарқанд вилоятдан Муҳаррам опа Бўронова, Қашқадарё вилоятдан Дилмурод Бобомуродов ва Муҳиддин Холиқов, Очил ака Тошпўлатовлар менинг энг яқин, сирдош дўстларимдир. Мен шундай дўстларим борлигидан фархланиман. Мени ўзларига яқин олиб, дўст тутинган, шу азиз инсонларга раҳматимни ва ташаккуримни севимли газетам орқали изҳор қилмоқчиман. Раҳмат сизларга, азиз дўстларим! Мен сизлардан бир умрга миннатдорман. Тани-жонингиз соғ бўлиб, ҳар доим ўйнаб-қувнаб юринглар. Сизларни ҳеч қачон бахт ва омад тарқ этмасин. Оилангиз тинч, ризқи-рўзингиз бутун бўлсин азизларим!

1990 йил 21 ноябрда туғилганман. Мен келажақда ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Фанлардан тарих, ҳуқуқ, она тили, химия ва адабиётни яхши кўриб ўқийман. Мен бошқа вилоятлардан ва ўғил болалардан дўстларим кўп бўлишини орзу қиламан.

Диёра ЗИЯЕВА,
Тошкент вилояти, Паркент тумани,
Корақалпоғистон ж/х. А.Зияев кўчаси.

*Дўст-биродар бўлинг, аҳли мусулмон,
Қадрдонлик бўлсин сизларга одат.
Тортишман, кавламанг бир-бирингизни,
Ёмон кўрманг, голиб бўлсин муҳаббат.*

Қадрдоним "Оила ва жамият"! Мен сендан бир умрга миннатдорман. Нима учун? Чунки "Келинг дўстлашайлик" руки остида чоп этилган дил сўзларимдан кейин, жуда кўп дўстлар орттирдим. Ҳозир уларнинг ҳар бирлари билан хат орқали суҳбатлашиб, дардлашиб турибман. Улар турли вилоятлардан. Ёшлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бухоро вилоятдан Шохида Аҳмедова ва Нигора Зарипова, Тошкент вилоятдан Дилором Дўлтаева, Самарқанд вилоятдан Муҳаррам опа Бўронова, Қашқадарё вилоятдан Дилмурод Бобомуродов ва Муҳиддин Холиқов, Очил ака Тошпўлатовлар менинг энг яқин, сирдош дўстларимдир. Мен шундай дўстларим борлигидан фархланиман. Мени ўзларига яқин олиб, дўст тутинган, шу азиз инсонларга раҳматимни ва ташаккуримни севимли газетам орқали изҳор қилмоқчиман. Раҳмат сизларга, азиз дўстларим! Мен сизлардан бир умрга миннатдорман. Тани-жонингиз соғ бўлиб, ҳар доим ўйнаб-қувнаб юринглар. Сизларни ҳеч қачон бахт ва омад тарқ этмасин. Оилангиз тинч, ризқи-рўзингиз бутун бўлсин азизларим!

Хўсинбой ОТАЖОНОВ,
Хоразм вилояти,
Хива тумани,
Ўзбекистон ш/х Бр. №8. Инд: 741416.

1986 йил 13 март куни баҳор фасли оламга ўз гўзаллигини ёйган чоғда оилада ягона киз бўлиб таваллуд топганман. Ҳозирда Тошкент педагогика коллежининг 3-босқич талабасиман. Болаларни яхши кўраман. Улар билан ишлаш жону дилим. Чунки болаларга қанча меҳр берсақ, уларнинг қалбига қулоқ солсақ, улар ҳам бизга астойдил меҳр беришади, ишоншади. "Болаларни севмай туриб улар билан ишлаб бўлмайди", - деганда машойиҳларимиз нақадар ҳақ эди.

Доймо замонавий кийимлар кийиб юришга ҳаракат қиламан, ҳазилни ўрнига қўйиб ишлатганларни қадрлайман.

Лаззат МАУТОВА,
Тошкент шаҳри,
Бектемир тумани,
Сувсоз даҳаси, 75-50 кв. Инд: 700113

Шахло ЭРАЛИЕВА,
Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани,
Тўда қишлоғи,
12-мактаб .
инд: 733200

Мен айна кунларда жуда ҳам бахтиёрман. Бунинг боиси узоқ йиллар давомида йўқотиб қўйган бир дўстим билан тасодифан учрашиб қолдим. У билан бир ошхонада роса суҳбатлашиб ўтирдик. Унинг ҳаёти мен ўйлаганимдан ҳам яхшироқ даражада экан. Яъни, у бахтли оиланинг отаси экан. Дўстимнинг бахтли ҳаёти ҳақида, бу каби яхши хабарлар эшитиш мен учун қувончли ҳол эди.

У менга ҳам оила, рўзғор ва ҳаёт ҳақида кўп мулоҳазалар билдирди. Дўстимнинг фикрларидан сабоқ олиб, менда ҳам келажақда ана шундай чиройли бир оиланинг устун бўлиш истаги туғилди.

Келингар, азиз юртдошлар! Мактуб орқали бўлса-да, ҳаёт ҳақида сирлашайлик, диллашайлик.

Вали МУҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилояти,
Ургут тумани,
Қайроқли қишлоғи.

Очик кўнгил инсонларни ёқтирсан-да, табиятан оғир-вазминман. Турли хил газета ва журналларни ўқишни ёқтираман. Ҳамиша янгилликлар сари интилиб яшайман. Келажақдаги орзуим журналист бўлиш. Ҳаётдаги шиорим "Етти ўлчаб бир кес". Мусиқа тинглаш жону-дилим. Ёдгор, Самандар, Шароф, Сарвара ҳамда Андрей Губиннинг қўшиқларини ёқтираман. Пишириқлар пиширишни ва тикувчилик сирларини аста-секин ўрганмоқдаман. Дўстликни қадрлайман.

Шоира УМАРОВА,
Тошкент вилояти,
Паркент тумани,
Обжувоз маҳалласи,
Ички кўргон кўчаси 32-уй.

Мен сендан бир умрга миннатдорман. Нима учун? Чунки "Келинг дўстлашайлик" руки остида чоп этилган дил сўзларимдан кейин, жуда кўп дўстлар орттирдим. Ҳозир уларнинг ҳар бирлари билан хат орқали суҳбатлашиб, дардлашиб турибман. Улар турли вилоятлардан. Ёшлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бухоро вилоятдан Шохида Аҳмедова ва Нигора Зарипова, Тошкент вилоятдан Дилором Дўлтаева, Самарқанд вилоятдан Муҳаррам опа Бўронова, Қашқадарё вилоятдан Дилмурод Бобомуродов ва Муҳиддин Холиқов, Очил ака Тошпўлатовлар менинг энг яқин, сирдош дўстларимдир. Мен шундай дўстларим борлигидан фархланиман. Мени ўзларига яқин олиб, дўст тутинган, шу азиз инсонларга раҳматимни ва ташаккуримни севимли газетам орқали изҳор қилмоқчиман. Раҳмат сизларга, азиз дўстларим! Мен сизлардан бир умрга миннатдорман. Тани-жонингиз соғ бўлиб, ҳар доим ўйнаб-қувнаб юринглар. Сизларни ҳеч қачон бахт ва омад тарқ этмасин. Оилангиз тинч, ризқи-рўзингиз бутун бўлсин азизларим!

Вали МУҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилояти,
Ургут тумани,
Қайроқли қишлоғи.

Очик кўнгил инсонларни ёқтирсан-да, табиятан оғир-вазминман. Турли хил газета ва журналларни ўқишни ёқтираман. Ҳамиша янгилликлар сари интилиб яшайман. Келажақдаги орзуим журналист бўлиш. Ҳаётдаги шиорим "Етти ўлчаб бир кес". Мусиқа тинглаш жону-дилим. Ёдгор, Самандар, Шароф, Сарвара ҳамда Андрей Губиннинг қўшиқларини ёқтираман. Пишириқлар пиширишни ва тикувчилик сирларини аста-секин ўрганмоқдаман. Дўстликни қадрлайман.

Шоира УМАРОВА,
Тошкент вилояти,
Паркент тумани,
Обжувоз маҳалласи,
Ички кўргон кўчаси 32-уй.

Мен сендан бир умрга миннатдорман. Нима учун? Чунки "Келинг дўстлашайлик" руки остида чоп этилган дил сўзларимдан кейин, жуда кўп дўстлар орттирдим. Ҳозир уларнинг ҳар бирлари билан хат орқали суҳбатлашиб, дардлашиб турибман. Улар турли вилоятлардан. Ёшлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бухоро вилоятдан Шохида Аҳмедова ва Нигора Зарипова, Тошкент вилоятдан Дилором Дўлтаева, Самарқанд вилоятдан Муҳаррам опа Бўронова, Қашқадарё вилоятдан Дилмурод Бобомуродов ва Муҳиддин Холиқов, Очил ака Тошпўлатовлар менинг энг яқин, сирдош дўстларимдир. Мен шундай дўстларим борлигидан фархланиман. Мени ўзларига яқин олиб, дўст тутинган, шу азиз инсонларга раҳматимни ва ташаккуримни севимли газетам орқали изҳор қилмоқчиман. Раҳмат сизларга, азиз дўстларим! Мен сизлардан бир умрга миннатдорман. Тани-жонингиз соғ бўлиб, ҳар доим ўйнаб-қувнаб юринглар. Сизларни ҳеч қачон бахт ва омад тарқ этмасин. Оилангиз тинч, ризқи-рўзингиз бутун бўлсин азизларим!

Шоира УМАРОВА,
Тошкент вилояти,
Паркент тумани,
Обжувоз маҳалласи,
Ички кўргон кўчаси 32-уй.

Мен сендан бир умрга миннатдорман. Нима учун? Чунки "Келинг дўстлашайлик" руки остида чоп этилган дил сўзларимдан кейин, жуда кўп дўстлар орттирдим. Ҳозир уларнинг ҳар бирлари билан хат орқали суҳбатлашиб, дардлашиб турибман. Улар турли вилоятлардан. Ёшлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бухоро вилоятдан Шохида Аҳмедова ва Нигора Зарипова, Тошкент вилоятдан Дилором Дўлтаева, Самарқанд вилоятдан Муҳаррам опа Бўронова, Қашқадарё вилоятдан Дилмурод Бобомуродов ва Муҳиддин Холиқов, Очил ака Тошпўлатовлар менинг энг яқин, сирдош дўстларимдир. Мен шундай дўстларим борлигидан фархланиман. Мени ўзларига яқин олиб, дўст тутинган, шу азиз инсонларга раҳматимни ва ташаккуримни севимли газетам орқали изҳор қилмоқчиман. Раҳмат сизларга, азиз дўстларим! Мен сизлардан бир умрга миннатдорман. Тани-жонингиз соғ бўлиб, ҳар доим ўйнаб-қувнаб юринглар. Сизларни ҳеч қачон бахт ва омад тарқ этмасин. Оилангиз тинч, ризқи-рўзингиз бутун бўлсин азизларим!

Нигора ЙҮЛДОШЕВА тайёрлади.

Яхши оиланинг фарзандиман. Ёшим 22 да, ҳали турмуш қурмаганман.

9 синфни битириб, Тошкентдаги касб-хунар коллежига ўқишга кирдим. Биринчи семестр тугагандан сўнг тавтилга чиқдик. Ҳамма дугоналарим ҳар хил жойга ишга кириб ишлашди. Мен ҳам ишга кирдим. Ишга биринчи борган куним М. исмли бир йигит мени иш тартиби билан таништирди. Иш 2 сменали эди. Кундузгисида кизлар, тунги сменадан эса йигитлар ишларди. Бир кун тунги сменадан А. исмли йигитни кундузги сменга ишга ўтказишди. Ҳаммаси ана шу кундан бошланди. Иш тугаб, уйга кетаётганимда. Орқамдан ўша йигит югуриб келаяпти. У мендан: "Уйга кетяп-сизми?" - деб сўради. "Ҳа", - деганимдан сўнг у мени машинасида уйимизгача элтиб қўйди. Шу тариқа у билан яқиндан танишдик. Кейин билсам ишга биринчи кун келганимда мени кутиб олган йигит унинг акаси экан. Улар оилада 4 ўғил бўлиб, акаларининг ҳаммаси шу ерда ишлашаркан. Лекин...

Ўша, биринчи кун кутиб олган акаси менга галати қарайдиган, укаси келмаган-да бекатда кутиб турадиган одат чиқарди. Мен унга парво ҳам қилмасдим. Чунки у оилали, 2 фарзанди бор эди. Бир кун у мендан, кейинги бекатда кутиб туришимни илтимос қилди. Мен уни кутмасдан кетиб қолдим. У эса мени қидириб уйимизгача борди. Эртаси кун унинг ҳақли чиқиб юрганини сезсам-да ҳеч нарса билмагандек юравердим. Уқишим бошлангач, ишдан кетдим. А. бўлса ҳар кун уқишимга келарди ва уйимга кузатиб қўярди. Биз бир-биримизга ўрганиб қолган эдик. Бир кун кўришмасак бир нарсагани йўқотиб қўйгандек бўларек. Шу тариқа 3 йил ҳам ўтиб кетди. Уқишни ҳам битирдим.

Кейин университетга ишга кирдим. Шу орада А. мендан икки мартаба хабар олди, унинг аста-секин мендан узоқлашаётганини сезардим. Бора-бора у кўнғироқ ҳам қилмай қўйди. Уни ҳар кун кута-кута умидимни узиб, бошқа ишга ўтиб кетдим.

Бир ярим йил ўтгандан кейин бир кун телефон жиринглади. У А. экан. Гўшакни кўтарсам, бир йигит акамни сўради-да, қўйиб қўйди. У овоз менга жуда таниш эди. Кейин яна кўнғироқ бўлди. Гўшакни олиб мен билан ҳаяжонланиб сўрашди. Мен унинг кўнғирогини орзиқиб кутган бўлсам-да, у билан қисқагина гаплашиб гўшакни қўйиб қўйди. Юрагим кинидан чиқиб кетай дерди. Эртаси кун ишдан кейин бекатда бир йигит - А. менга қараб кулиб келаяпти. У мени кутиб ўтирганини, менда муҳим гапи борлигини айтди. Кеч тушиб қолганини айтиб уйимга шошилиб кириб кетдим. Эртаси кун эса у мени ишхонам яқинидаги бекатда кутиб турарди. Ундан нега йўқ бўлиб кетганини сўрадим. У: "Сабаб-

лари бор, вақти соати келганда айтарман", - деди.

Орадан бироз вақт ўтган туғилган кунимда у менга узук совға қилди. Бир кун эса у менга "уяли" телефон тутқазди. Энди у билан бемалол гаплашишим мумкин эди. Чунки, уйдагилар у билан гаплашишимга қарши эдилар. Ойим билан акам уни қойиб беришарди. Мен билан бемалол гаплашиш учун олиб келган экан. А. билан ҳар кун кечгача гаплашардим. Қаёққа борса мени олиб кетарди, ўртоқларининг ҳаммаси ҳам мени жуда яхши танишарди.

Бир кун менга уйланиш нияти борлигини айтди. Мен эса унга ҳали олдим-

ойисини олиб борибди. У аёл А.нинг бор пулини олибди. "Уйингизни ҳам "тозалаш" керак", - деб, уйига ҳам борибди. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Фолбин келиб-кетганидан сўнг А. менга кўнғироқ қилди. Иш вақтим тугаганидан кейин учрашдик. Нигоҳларидан уни нимадир қийнаётганини сезиб турардим. Кейин у изтироб билан гап бошлади: "Ўша фолчи аёл ойимга сени жуда ёмон гаплар билан ёмонлабди, у аёлнинг гапларига ишонмаган онам сени суриштириш учун маҳаллангизга борибди. У ерда ҳам оилангизни ёмонлаб юборишган эмиш. Ойим сени менга олиб бермайман деб туриб олган. Бошим қотиб қолган нима қилишимни биллолмай қолдим. Уйимизда ҳар кун жанжал, ҳатто отам ҳам, акаларим ҳам менга қарши. Уйдагиларни норози қилиб эмас, балки хурсандчилик билан, уларнинг дуофотиҳасини олиб сенга уйланмоқчи эдим. Энди нима қиламиз?", - деди.

Мен ўтирган жойимда қотиб қолдим, кўзларимдан шашқатор ёш оқа бошлади. А.нинг ҳам кўзлари ёш... Иккаламиз нима қилишимизни билмай кечгача ўтирдик. Уйга кирдим-у, ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Сўнг онамга бўлган воқеани айтдим, у ҳам бунга эшитиб жуда эзилди. Кейин онам А.га кўнғироқ қилиб:

"Бизни ҳамфолбин аёлниқига олиб бориңг-деди. Лекин кўчага чиққандан сўнг онаминг фикри ўзгариб қолиб, А. келгандан сўнг унга: "Бизни уйингга олиб бор болам", - деди.

Ойим маҳалламиздаги икки аёлга бўлган воқеани айтган, улар ҳам: "Ўзимиз бориб масалани ойдинлаштиришимиз. А.нинг уйига бориб ойисидан бор гапни билиб келамиз", - дейишди. Аёллар кириб, А.нинг онасига ўзларни таништиришган экан, у аввалгига тутоқиб кетибди. Кейин ўзини тутиб олиб бор гапни ётиги билан тушунтирибди. Айтишларича, онаси ҳам ўғли ҳам анча йиллардан бери касалманд эканлар. Шунинг учун ўғлига ўздан 3-4 ёш кичик, бирорта ҳамшира қизни олиб бераман, деб ният қилган экан. Одам деган ҳам шундай ният қиладими? Ундан кўра, Худодан соғайиб кетишини сўрамайдимми? Бунинг устига: "Маҳаллада ёмонлашди", деган гапни ўғлимни совиштиш учун уйлаб топганман", - деб қасам ичибди. "Ўғилларим ҳам у қизнинг қанақалигини яхши билишади", -деб киноя ҳам қилиб қўйибди. Ахир онаси мени хатто бир мартаба ҳам кўрмасдан мен ҳақимда қандай қилиб, ҳулоса чиқариши мумкин? Баъзи ота-оналар фарзандларини бахтли қилмоқчи бўлишади-ю, лекин бахтсиз қилишаётганини тан олгилари келмайди. Балки, А. мени умуман севмагандир? Балки у кейинги хаётини уйлагандир? Менга уйланса, онаси кун

бермаслигини билиб ҳам шундай қилгандир? Ҳар кун ўзимга-ўзим бунақа саволларни беравериб, қийналиб кетдим.

Онажоним уйга келгач, менга бор воқеани айтиб берди. Мен ҳайрон бўлиб, кечаси билан ўхоломай чиқдим. Ҳаёлимдан нималар ўтмади дейсиз? Тонг отиши билан ишга йўл олдим. Ишхонада роса йиғладим, яхшиямки дугоналарим бор экан, улар менга далда бўлиб туришди. Кеч тушди, лекин А. кўнғироқ ҳам қилмади. Кечқурун уйга бориб мени қийнаётган гапларни ойдинлаштириш учун, қизлик гуруримни четга суриб қўйиб унга кўнғироқ қилдим. Гўшакни кўтаргандан сўнг, мақсадга ўтдим. А. мендан: "М. исмли акам машинасида сени уйинггача олиб бориб қўйгани ростми?" -деб сўради. Мен бўлган воқеани айтиб бердим. "Ўшанда йўқ бўлиб кетганимнинг сабаби ҳам шу эди", - деди у. Бу тухматлар мени адо қилди. Лекин: "Мен сенга ишонаман, бизни бир-биримиздан айиришди, мени юрагимда бир мартаба ўт ёнган, уни ҳеч ким ўчирилмайди" - деди. Охиригиз сўзи шу бўлди. Мен унга ҳам бахт тиладим, холос.

Орадан бир hafta ўтди. Кутилмаганда у менга кўнғироқ қилиб, туғилган куним билан табриклади. Мен бўлсам унга онаси ҳақида эшитган гапларимни айтдим. Сўнг уйимизда меҳмонлар борлигини айтиб, гўшакни қўйиб қўйдим. Орадан 2-3 кун ўтгандан кейин у яна кўнғироқ қилди. Бу гал у рўзадан кейин, онаси орзу қилган қизга уйланаётганини айтди. Назаримда у жуда хурсанд эди. Наҳотки? Мен кўзига кўринмадиммикан? Мен бўлсам, ўзимни зўрга тутиб туриб, кўзда ёшим билан унга бахт тиладим. Лекин менга буюрмаган бахт бошқасига буюрармикан?

Майли, бу кунлар ҳам ўтар. Мен ҳам бир оилани гуллаётганидан келин ҳам бўларман. Лекин тухмат гаплар юрагимни илондек кемираяпти. Тухматчи акасидан аламинин олгим келади, лекин худодан кўркаман. Ахир унинг ҳам 2 нафар фарзанди, оиласи бор. Бир оилани барбод бўлишини истамайман. Ёки анави фолбин аёлдан аламинни олайми? Ҳаммасини унутмоқчи бўламан, ох, қандай? Қандай қилиб унутаман? Унинг нигоҳи, қулишлари, ҳамма-ҳаммаси кўз ўнгимда қолган бўлса...

Мухаббат ёмон дард экан. А. туфайли бошимга шунча савдолар тушиб, қалбим изтиробга тушган бўлса-да, кўнғилмни уни кўмсайверди. Кўзларим кўчаларда уни излайди... Кўпдан кутиб интилган буюрмаган бахтим майли, ўша келинчаққа насиб этсин. Севган кишингга бахт тилаш нақадар оғир бўлишига қарамай унга бахт тилайман.

Мана ўша кундан бери А.нинг туйини соат-сайн санаб юрибман. Туйига борсаммикан? Шуларнинг ҳаммасини ўйлай-ўйлай кечалари бедор ўтириб чиқаман. Нима қилишимни билмай қолдим. Хурматли газетхонлар! Сизлардан ягона илтимосим, маслаҳат беринглар нима қилай, қандай йўл тугай? Биламан, албатта сабрли бўлинг дейсиз, лекин сабрим етармикан?

Н.

Тошкент шаҳри.

МЕНГА БУЮРМАГАН



да иккита опам борлигини айтгандим, у ҳазиллашиб: "Келаси йил кузгача муҳлат", - деди. Орадан бир йил ҳам ўтди, иккинчи опамнинг тўйи бўлиб ўтди. Бизнинг қувончимиз ичимизга синамасди. Лекин яна битта опам борлигини унга эслатардим. А: "Опанг кузгача турмушга чиқмаса, уларнинг розилигини олиб, сенга уйланаман", - деди. Мен эса опамдан олдин турмушга чиқа олмасдим.

Танишларим: "Фолбинга кўнғиллар-чи, балки опангнинг бахти очилиб кетади. Қолаверса, ўзингни ўқитиб юборсанг, ишларинг ҳам юришиб кетади", - деб маслаҳат беришди. Бир кун фолбин аёлнинг уйига ўқитиш учун опаларим билан бордик. У аёлнинг айтган гапларини А.га ҳам айтиб бергандим, "Мени ҳам олиб бор", - деб ҳеч қўймади. Вақт топиб у билан бирга ўша аёлниқига бордик. У бизга: "Туйингиз шу йил бўлади, албатта, бахтли бўласизлар", - деди. А.га: "Сени онанг бошқа қизни олиб бермоқчи, лекин ундай бўлмайди, сизлар албатта бахтли бўласизлар", - деб бизни ишонтирди. Кейин унга: "Ойингизни ҳам олиб келинг, унинг "одамлари" бор экан, ўқитиб юбориш керак, бўлмаса ишларингиз юришмайди", - деди. У ҳам эртасига

ЛОЧИННИНГ ОЎГИДАН ТУТСАНГИЗ

Агар сиз тушингизда лочиннинг оёғидан тутиб олсангиз, билингни, ҳар қандай ҳолатда севгингизга етишасиз. Бу ҳақда шифокор Муҳаббатхон Исроилова шундай ҳикоя қилади.

- Муродилла акамнинг дадаси билан менинг дадам эски рақиб эканлар. Бундан йигирма йилча илгари ҳақиқат талашиб, сен-менга боришганича ҳалиям бир-бири билан гаплашмас экан. Шунга қарамай, Муродилла акам дадасига ялиниб-ёлвориб, бизниқига совчи жўнатишга муяссар бўлибди. Чунки, биз мактабда юрганemizдаёқ бир-биримизга кўнғил қўйган эдик. Дадам келган совчиларга қовоғини солиб: "Мен унга қизимни бермайман, совчи жўнатиб овора бўлмасин", - дебди.

Муродилла акам дадасига ялиниб-ёлворибди. Охири қишлоқнинг катталари унга шундай маслаҳат беришди.

- Сен қизинг опоқ дадасининг уйига бор. У ақлли одам, бир йўлини топади.

Муродилла акамнинг дадаси ана шундай қилибди. Опоқ дадам унинг гапини тинглаб бўлгач, дадамни қақиртирибди. Дадам кириб бор-



са, рақибни ўша ерда ўтирганмиш. Опоқ дадам шундай депти.

- Иккаланг йигирма йилдан буён бир-бирингга гина сақлар экансизлар. Сенлар қанақа мусулмон бўлдинглар? Мусулмончиликда уч кундан ортқ гина сақлаб бўлмайди. Яна битта маҳаллада яшасанг. Иккаланг ҳам ўрнингдан туриб, кучоқ олишиб ярашинглар. Улар ана шундай қилиб ярашибди. Битта кекса одамнинг шафоати билан муҳаббатимиз завол топмади. Мен худди ана шу кун тушимда лочиннинг оёғидан ушлаб олган эдим. Лочин мени кўтариб, катта тилла кўрғоннинг устига олиб бориб қўйган жойида уйғониб кетган эдим. Лочин ҳар қачон яхшилик тимсоли экан. Муродилла акам билан муродимизга етдик.

Комилжон.

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН



Ш...ГА

Васлингга умидвор бўлгандим, аммо Сен мени зор этиб кетдинг, азизим. Сен ила қувончим бир дунё эди, Ўзгани ёр этиб кетдинг, азизим.

Сенинг ишқинг менга бебаҳо эди, Тилимда янграган шўх наво эди, Сен ила қувончим бир дунё эди, Фамга дучор этиб кетдинг, азизим.

Нечун ҳеч сезмадинг шайдолигимни, Сенинг ишқинг ила подиолигимни, Менинг бу ошиғу фидолигимни, Кимлардан ор этиб кетдинг, азизим.

Мен орзу қилгандим сендек жонини, Сен эса танладинг ўзга инсонни, Ҳажринг ила ушбу ёруғ жаҳонни, Кўзимга тор этиб кетдинг, азизим.

Мафтун бўлибман сендек санамни, Розиман ёндирсанг борлиқ танамни, Чунки Ваҳодирга бундай аламни, Сен ихтиёр этиб кетдинг, азизим.

Баҳодир НИХМАТОВ,
Тошкент шаҳри.

ДИЛ СОҒИНЧИ

Кўнгул дафтаридаги ўтмишлар
пинҳон,
Ўтаётган умрим ожиз, нотавон.
Дардларимни тинглаб йиғлаган
осмон,
Кечиринг мени...

Фироқ кўйида йиғлади торлар,
Бағрим музликда эримас қорлар.
Мени унутолмай ўтди баҳорлар,
Кечиринг мени...

Қалбимга кўмилган ҳислар,
туйғулар,
Манглайдаги ажин, андух,
қайғулар.
Тунлар менадан безор-бедор
уйқулар,
Кечиринг мени...

Безубор хаёлар, орзулар сиз ҳам,
Мунтазам сирдошим, йўлдошим
қалам.
Уззу-қун ҳамроҳим бечора алам.
Кечиринг мени...

Кезиб бездим хаёлинг минг
кўчаларида,
Абгор бўлди дилим ҳижрон
кечаларида.
Ҳоли хароб бўлдим ёшим
нечаларида,
Азизим, мен сизни севганим учун.

Ким учун қувондим, ким учун
куйдим,
Дардкашман-у, ўзимнинг дардимдан
тўйдим.
Бағримни ўйса-да соғинччи суйдим,
Азизим, мен сизни севганим учун.

Ёғилди бошимга маломат тоши,
Кўзда ҳам қолмади бир томчи
ёшим.
Дол қаддимга ортиб кўйдим
бардошни.
Азизим, мен сизни севганим учун,

Сиз менинг қайтмаган ўшал
баҳорим.
Дилим тубидаги сир-у асорим,
Менман - сиз унутган дунёда
борим.
Азизим, мен сизни севганим учун...

Дилором ДЎЛТАЕВА,
Тошкент вилояти,
Бекобод шаҳри.



ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ

Сочларин силашга муштоқдир шамол,
Ўзига ром қилар жоду кўзлари.
Юзларига боқиб хижолат ҳилол,
Бу ўзбегим қизлари, ўзбек қизлари.

Орият посбондир остонасига,
Ҳаё кўриқлайди босган изларин.
Шайтоний ҳирслардан Оллоҳнинг ўзи
Паноҳида асрайди ўзбек қизларин.

Ҳеч нарасга алишмас ибод, ҳаёсин,
Андишадан намуна олган кўзлари.
Тонг саҳар олади халқнинг дуосин,
Бу ўзбегим қизлари, ўзбек қизлари.

Садоқат, вафо ишқ маъбудаси,
Ширин сўзи эритар зулмат музларин.
Шу сабаб ўзбекининг мард ишглари
Қароғида асрайди ўзбек қизларин.

Хулқар ПАРПИЕВА,
Охангарон тумани,
Ёнарқоқ қишлоғи.

ОСОҢМАС...

Ёнида юрсангу гулдай очилиб,
Ёр боқмаса ҳатто бир бор қайрилиб,
Осонмас...

Яшашни шу қадар хоҳласанг бироқ,
Нимта-нимта этса кўнгулни фироқ,
Осонмас...

Йиғласанг жимина-сўзсиз эзилиб,
Фам қуши сайраса куйдай эзилиб,
Осонмас...

Айтса тил қуяди, айтмаса кўнгул,
Юпатсанг, ҳаёт шу йиғлама кўнгул,
Осонмас...

Таскинлар ҳам гоҳи сизгайин дилга,
Кетолмасанг кетгинг келса-да гилга,
Осонмас...

ЮРАК

Кўй йиғлама, бўлди бас юрак,
Йиғи билан ўзгармас тақдир.
Энди бизга таскинлар керак,
Бевафонинг кетгани ҳақдир.

Йўқ! Таскинга муҳтож бўлдингми,
Юрак, ахир бардошим эдинг.
Очилмаган гулдай сўлдингми?!
Менга нима, нималар девдинг?

Билармисан, билмасмисан хабарим
йўқ,
Тун кечалар тушларимга
киришингни.
Тушларимда Алпомишдек от
уйнатиб,
Нигоҳингдан камон отиб
туришингни.

Билармисан қулфат тўла бу дунёда,
Ёлғизим деб сунягувчи тоғ эканинг?
Тоғ бағрида унгувчи ул лола мисол,
Вафо қилмас бўлсанг бағри доғ эканми?
Ойсоат АБАЗОВА,
Сурхондарё вилояти.

МЕНИНГ КЎНГЛИМ

Надур чехранг магар ойму,
Кўриб кўзлар адо бўлди.
Кўнгул майли эрур бомаст,
Ки дил мотам саро бўлди.

Юзинг зарҳал таратмиш нур,
Пойингда кун турар беҳол.
Паноҳ тоғмоқ бўлиб қочди,
Уялиб ул қаро бўлди.

Ажаб сир бор нигоҳингда,
Қаро қошинг мисоли ёй.
Ўтли мужгон ўқидин ваҳ,
Юрак бағрим яро бўлди.

Лабинг гунча тишинг дурму,
Кўриб бўлди хаёлим қуш.
Ки қай боғнинг гули дебон,
Ақл телба саро бўлди.

Нечук дарддур тузалмас ҳеч,
Фироқ ўти кабоб айлар.
Самандардек эди Беккул,
Бу чўғдин кўп хароб ўлди.

Беккул БЕК,
Нурота тумани, Қизилча.

ИЛТИЖО

Ташвишлар тушганда инсон бошига,
Ҳеч илож қолмаса сабр-бардошга.
Нола қилмасин ой-ю қуёшга,
Меҳрингиз қизганманг ундан, одамлар.

Кўнгул сўрашга бир инсон бўлмаса,
Нодон суҳбатидан кўнгул тўлмаса.
Вафодорман, - деган вафо қилмаса,
Меҳрингиз қизганманг ундан, одамлар.

Кўзидан ёшлари ачиб оққанда,
Ҳар босган қадамда чаён чаққанда.
Ёлғизлик гулхани олов ёққанда,
Меҳрингиз қизганманг ундан, одамлар.

Чор атрофин қуриш олганда тўхмат,
Бошларига тушса тоғларча гурбат.
Қилмаса дунёлар меҳр-муруват,
Меҳрингиз қизганманг ундан, одамлар.

АЁЛЛАР БАРДОШИ

Гоҳ қуриб, гоҳ тўлиб сойлар оқади,
Қаро тунлар ортидан тонлар отади.
Азалдан қалбда бир сўров ётади,
Аёллар бардошини қайдан оларлар?

Мажнунтол эриниб сочин ўрмади,
Чечаклар тупроқнинг ҳолин сўрмади,
Дунё онадайин мардни кўрмади,
Аёллар бардошини қайдан оларлар?

Борлиқдан сўрадим бермади садо,
Бунчалар ҳоқисор бу жони фидо.
Охир сўровчим Сен, эй Қодир Худо,
Аёллар бардошини қайдан оларлар?

Сурайёбону ХОЛМУРОДОВА,
Самарқанд вилояти,
Паст Дарғом тумани.

ШУКРОНА

Бахт бермайди бўйинг тенги зар,
Ҳар қадамда қадринг билиб юр.
Дардинг айтиб айлама бозор,
Омонликка шукр қилиб юр.

Омонатдор кўкдаги ой ҳам,
Бир кун гадо, бадавлат бой ҳам.
Боринг кўнга айлагин баҳам,
Омонликка шукр қилиб юр.

Ори йўққа эгма бўйинингни,
Покиза бос юрган йўлигини.
Кўкка чўзма калта кўлингизни,
Омонликка шукр қилиб юр.

Ўзгаларни бахтига куйма,
Севмаганин жон бериб суйма.
Эй Лутфулло мол дунё йиғма,
Омонликка шукр қилиб юр.

СИЗ КЕЧДИНГИЗ

Дарё сувин ой балиқлар ичгани
йўқ,
Фалак сирин ҳали биров ечгани
йўқ.
Гоҳи кетар эслаганда алам
қилиб,
Сиз кечдингиз, дунё менадан
кечгани йўқ.

Севгим ҳаққи сизни кўкда ойга
тенглаб,
Бир намозиом ортингиздан қолдим
бўйлаб.
Зорланаман юлдузларга арзим
сўйлаб,
Сиз кечдингиз, дунё менадан
кечгани йўқ.

Ҳар қадамда севмаганга кўнгулсиз
ёр,
Кеч бўлганда қадрим билиб
йиғлайсиз зор.
Зар азизми, севги азиз билмайсиз ёр,
Сиз кечдингиз, дунё менадан
кечгани йўқ.

Энди йўқдир юракка ўт ёқшингиз,
Ўилантирар аммо маъюс
боқшингиз.
Бахтли бўлинг, гинам йўқдир сизга
ҳаргиз,
Сиз кечдингиз, дунё менадан
кечгани йўқ.

Лутфулла ҚАНДАҲАРОВ,
Навоий вилояти,
Хатирчи тумани.



КАЛБ

Ул қалб деб аталмиш улкан хазина,
Бир бора берилган азиз инсонга.
Буюм эмасдирки, ҳаёя ётолса,
Йўлида учраган яхши-ёмонга.

Қалбдаги хазинам - кўнгул қононам,
Унда савлат тўқар-севги шоҳона.
Айрилиқ, аламга тақдир - баҳона,
Барчасига сабаб ишрлик пешона.

Шавкат БОЙМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳри.

МУҲАББАТЖОН

Баҳор кетди, маъюс, маҳзун
кузлар кетди,
Ёлгон ўлан айтиб неча
қизлар кетди,
Ой юз кетди, кун юз кетди,
ҳислар кетди,
Юрагимдан кетмади бир дардли
армон,

Дардларимга даво бергин
муҳаббатжон.
Ким омадинг оқ отига миниб
ўтди,
Соҳилига сизгайин сой тиниб
ўтди,
Соғинч сабр синовидан синиб
ўтди,

Бевафонинг бахридан ҳеч ўтмади
жон,
Дардларимга даво бергин
муҳаббатжон.
Тутдай тўп-тўп тўпқилди-ей
тилакқинам,
Ўз бағримни ўзи тилди араз,
гинам,

Юпанчларга юпанмади
юраққинам,
Кўкрагимга бошин кўйиб йиғлар
ҳижрон,
Дардларимга даво бергин
муҳаббатжон.
Чорлайверар атиргулнинг
дудоқлари,
Узай десам тикон тўла
қучоқлари,

Ёлгон экан, сохта экан
бари-барини,
Ёлгонлардан тўйиб кетдим,
тўйдим чунон,
Дардларимга даво бергин
муҳаббатжон.

ОНАМНИ ЭСЛАГАН ЧОҒ

Она исин ҳидлардим бир дам,
Қуёйдан ҳам иссиқ қучоғда.
Юрагимни кемиради гам,
Мен онамни эслаган чоғда.
Дилни эзар армонли доғлар,
Вужудимни чулаб титроқлар.
Юпатолмас дўстлар, ўртоқлар,
Мен онамни эслаган чоғда.

Нафосатин йўқотади гул,
Мафтун қилмас ўзига буткул.
Хонишини тўхтатар булбул,
Мен онамни эслаган чоғда.
Умр нима-чинми ё рўё,
Сеҳрарга ўхшайди гўё.
Холи кўйинг мени эй, дунё,
Мен онамни эслаган чоғда.

Машҳур бўлдим элимда она,
Беҳабардир, дилим вайрона.
Балки руҳи бўлар парвона,
Мен онамни эслаган чоғда.
Жаҳонгир ФОЗИЛ
Фарғона вилояти.

ОТЎЗ ОЎЗА

Оналик масъулиятини зиммасига олган аёл ўз танасида бўладиган ўзгаришларга, синовларга руҳан ва жисмонан тайёр бўлиши керак. Чунки, унинг зиммасига бағридаги жонзодни асраш масъулиятини юклатилган. Соғлом бола туғиш учун унинг ўзи ҳам соғлиғига ҳар доимгидан кўра кўпроқ эътибор бериши шарт.

Чунки, бу даврда унинг танасида катта ўзгаришлар бошланади. Боши айланиб ҳолсизланади. Турли ҳидларни ёқтирмай қўяди. Иштаҳаси йўқолиб шўр ва аччиқ нарсалар егиси келади. Буларнинг ҳаммаси қондаги гормонлар таркиби ўзгариши белгиларидир. Ўсаётган ҳомила аёлнинг ички аъзоларини босиши таъсирида шундай ўзгаришлар юз беради.

Ҳомилдорликнинг биринчи уч ойи энг асосий вақт ҳисобланади. Ўзининг она бўлишини ҳис этган аёл турли ҳаяжонли ҳиссиётлар, аро яшайди. Баъзан уйқусиз тунлар, бирдангина асабийлашлардан қийналади. Аёл танасида бўладиган бундай ўзгаришлар унчалик хавфли эмас. Лекин ҳомилдорликнинг

биринчи уч ойида аёл киши жуда таъсирчан бўлиб анча қийналади. Бу пайтда кўнгил айниб, қусиши кучайиб кетса дарҳол касалхонага ётиши зарур. Бир кунда 9-10 марта қусиш ҳолатлари ҳам ҳомилдорликнинг

ЎЗЛАМОҚ ЧУҚУР...

енгил белгиси ҳисобланади. Бу вақти билан ўтиб кетиши ҳам мумкин.

Кўпинча бундай ҳолатлар ҳомилдорликнинг тўртинчи ойидан сўнг юз беради. Айнан ана шу пайтларда бўлажак оналар ейдиган овқатларига эътибор беришлари зарур. Ҳар икки-уч соатда, бироз ёнбошлаб ётган куйи оз-оздан овқат еб туришлари керак. Илоҳи бўлса, таомларни совутилган ҳолда истеъмол қилиб, ёғли овқатлар ва қабадан воз кечган маъул. Бу даврда ҳомилдор аёлларга енгил, қувватли ва тез ҳазм бўладиган таомлар ейиш, шунингдек, кўпроқ суюқлик, айниқса, маъданли сувлардан ичиш тавсия этилади. Чунки, анчагина суюқлик қусиш билан чиқиб кетиб, танада сувга муҳтожлик сезилади. Дорихоналарда сотиладиган "Тавегил" ва "Церукал" дориларидан кўп миқдорда эмас, кунига бир-иккитадан ичса бўлади. Акс ҳолда, улар қон босимини пасайтириб юборади.

Ҳомилдорлик даврида кўпчилик аёлларда жигилдон қайнайди, аммо бу хавфли эмас. Илоҳи борича, аччиқ ва жуда ширин нарсалардан воз кечилади. Ҳар кун ярим литрдан сўт ичиш фойдали бўлиб, ётишдан олдин овқатланмаслик керак.

Шуни айтиш жоизки, агар ҳомилдор аёлнинг онаси

ёки бувисида бошқоронғилик, яъни, (токсикоз) кечроқ бошланган бўлса, демак, унда ҳам шундай ҳолат такрорланиш эҳтимоли бор. Ҳомилдор аёл бошдан кечирган касалликлари ва уларнинг асорати ҳақида даволовчи шифокорни албатта хабардор қилиши керак.

Бўлажак она шифокор тузиб берган қатъий режа бўйича назорат остида бўлиши шарт. Гинеколог ҳузурига бориш, ҳомиласининг қандай ўсаётганини билиш ва зарур маслаҳатларни олмаслик туғиш пайтида жуда қийин ва оғир аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлади. Бу вақтда аёл ишда ҳам, оилада ҳам асабийлашмаслиги керак. Тан олиш кераки, ҳомилдор аёлларни баъзан, яқинлари, ҳаттоки, турмуш ўртоқлари ҳам тушунмай қолиши мумкин. Шу боис, руҳшуноснинг маслаҳатлари мана шундай қийин ва мураккаб вазиятларда жуда қўл келади. Ҳомилдор аёл учун вақтида дам олиш, ухлаётганда эса чап томони билан ётиш тавсия этилади. Бу ҳолат асабийлашнинг олдини олиб, ички аъзолар фаолиятининг яхши ишлашини ҳам таъминлайди.

Ҳомилдор аёлнинг овқатланиши саломатлиги учун жуда муҳимдир. Меъёридаги овқатланиш кеч бошла-



надиган токсикознинг олдини олади. Овқат таркибида оқсил, ёғ ва дармондорилар кўпроқ бўлиши зарур.

Кечки токсикоз даврида бўладиган хавфнинг олдини олиш учун шифокор билан бевосита мулоқотда бўлиш керак.

Оёқлар шишиб кетмаслиги учун, сув кўп ичилмайди. Шўрва, мевалардаги суюқликларни ҳам ҳисобга олган ҳолда кунига 1,5 литр сув ичиш kifоя. Буйракни даволашда ишлатиладиган табиий ўтлар дамламасидан ичиш сийдик ажралишини тезлаштиради. Бу ўтлар дамламасидан ҳар кун 1,5 стакандан уч маҳал ичилади. Шунга қарамадан оёқ ва қўллардаги шишлар кетмаса, зудлик билан шифокорга учрашиш зарур.

Кечки токсикоз белгилари сезилганда касалхонага ётиб даволаниш зарар қилмайди. Ўз вақтида қилинган муолажалар эса ҳомилага таъсир қиладиган турли асоратларнинг олдини олади.

Эрта кечадиган токсикоз унча хавфли бўлмаса-да, лекин, кечки ҳомиланинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Она вужудидаги турли ўзгаришлар ҳомилани ўраб олган йўлдош (плацента) даги қон айланишига салбий таъсир қилади. Чунки, у ўсиб ривожланиши давомида ана шу йўлдош орқали озиқланиб, ҳаво олади. Йўлдошнинг фаолияти бузилиши натижасида ҳомилага ҳаво етишмай қолади ва ички аъзоларига зарар қилади. Бу эса бола туғилганидан кейин унинг бўйи ўсмай қолишига сабаб бўлади.

Ҳомилдор аёл доимий равишда, яъни, бола туғилгунча шифокор назоратида бўлиши, фарзанднинг соғлом туғилишини таъминлайди.

Шифохонада ётиб даволанмасдан ўз билгича даволаниш ярамайди. Чунки, бу даволаниш жараёни анча мураккаб ва доимий шифокор назоратини талаб қилади. Яъни, онанинг оғирлиги, қон босими мунтазам ўлчанайди. Ҳар кун истеъмол қилинган ва чиқарилган суюқликлар аниқланади. Сийдикнинг таркиби мунтазам текширилади, чунки, унинг таркибида оқимол моддалар кўп бўлмаслиги керак. Ҳомила УЗИ аппарати орқали текширилади. Кардиографафия усули орқали эса ҳомиланинг юрак уриши, унинг ҳаракатланиш фаолияти текширилади.

БОЛА СОҒЛОМ

ТУГИЛИШИ УЧУН...

Бўлажак оналар ўз фарзандларига туғилмасдан туриб гамҳўрлик қилишлари керак. Ҳомилдорлик меъёрида кечсагина бола осон ва асоратларсиз, соғлом туғиладди. Бўлажак оналар ҳомилдорликнинг уч босқичидан муваффақиятли ўтишлари керак.

Кўпинча, аёлни ҳомилдорликнинг биринчи ойидан бошлаб,



уй-рўзғордаги майда-чўйда юмушлардан ҳам озод қилиб қўйишади. Ваҳоланки, унинг кам ҳаракатланиши фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтиради. Чунки, ҳаракат бу - ҳомиланинг ҳаёти. Ҳомилдорликнинг биринчи ойидан бошлаб енгил жисмоний ҳаракат-

ларни бажара бориш, қони фойда. Ҳар кун кўпроқ очик ҳавода сайр қилиш, сувда сузиш, толиқтирмайдиган, оддийгина машқларни бажариб бориш билан аёл ўзини аста-секин туғишга тайёрлаб бориши зарур. Шундагина она соғлиғини йўқотмайди, фарзанди ҳам соғлом туғилади.

(Давоми бор)

Биринчи уч ойликнинг охирига бориб аёлда бироз толиқиш, умуртқа погонасида зўриқиш, оёқларида эса оғирлик сезилади. Ҳомилдор аёлларнинг куйидаги ўзига хос енгил жисмоний машқларни бажариб юриши эса ушбу ҳолатларнинг олдини олади.

Оёқларни буккан ҳолда, полга ўтириб, қўллар билан икки томонга тортилиб, чуқур нафас олинади. Шу ҳолатда 1-2 сония ўтирилгач, қўлларни тушириб, секин нафас чиқарилади ва бўшаштирилади. Бу машқни 3-4 марта қайтариб, сўнг бошқа машқларни бажаришга ўтиш мумкин.



Қўлларни тирсақдан букиб, чордона қуриб ўтирилади (ўнг кафт юқорига, чап кафт эса настига кўтарилади).

Қўлларни навбат билан настига тепага кўтариб тирсақлар ортага букилади. Машқ 8-10 марта такрорланади. Бу орқа қурак соҳасидаги қон айланишини яхшилаб, елка тўқималари қайишқоқлигини оширади.



Чалқанча ётган ҳолда қўллар икки томонга чўзилиб, оёқлар жуфтлаштирилади. Нафас олганда тиззани букиб, оёқ панжалари билан ерга тиралиб қорин кўтарилади. Буни бир неча сония қилинса kifоя. 5-10 сония дам олгач, ушбу машқни 8-10 марта қайтариш мумкин. Бу машқлар бел ва қорин мушакларининг чўзилувчан бўлишига ёрдам беради ва туғиш осон кечишини таъминлайди.



Полга чалқанча ётилиб тиззадан букилган оёқлар тепага кўтарилади, бош эса кафтлар орасига олинади. Оёқларни туширмаган ҳолда чуқур нафас олиб, орқа қураклар ердан кўтарилади. Бу машқлар ҳомилдорлик даврида белда пайдо бўладиган оғриқларнинг олдини олади.

Саҳифани ДИЛБАР ва ГУЛБАШАКАР тайёрлашди.

Собиржон хотини билан саккиз йил яшади-ю, аммо фарзанд кўришмади. Барибир уларни меҳр ипи боғлаб тураверди. Уйдагилар ҳам уларнинг кўнглига қарашиб, кунларни ўтказишарди. Келинчақнинг очиккўнгли, муро-сали эканлиги ҳаммага манзур тушганди. Шундай бўлса-ям, неварани кута-кута Собиржоннинг отасини тоқати-тоқ бўлди.

- Умринг ўтиб кетяпти-да, болам, - деди у кунларнинг бирида ота-бола ёлғиз қолишгач. - Бир-бирингга меҳринг баланглигини кўриб турибман. Лекин меҳринг ўзи фарзанднинг ўрнини босмайди-да. Шу ой ичи бори-ни бор, йўғини йўқ қил. Аянг билан маслаҳатлашиб, шундай қарорга келдим. Эридан ажрашган бир жувон бор экан. Аянг ўшани кўргани кетди. Битта фарзанди бор экан. Ажаб эмас, унга уйланиб, кўчқордек ўғил кўрсанг.

Собиржон ҳеч нима демеди. Велосипедига миниб, ўзи деҳқончилик қилган далага ҳўнаб кетди. Унинг ижарага олган ери адирнинг нариги томонида эди. Бироқ далага боргани билан ишида унум бўлмади. Қўли ишга бормай, кунни кеч қилди. Уйга қайт-гиси келиб-келмай, фақат қоронғи тушай деганда йўлга чиқди. Адирлар оралигидан ўтган икки чақиримча сўкмоқ йўлдан велосипедни шосил-май ҳайдаб бораверди.

Кеча ойдин эди. Ёшлигидан адир устида қўй боқиб катта

бўлгани учун бу ерлар унга беш панажадай аён эди. Ойнинг ёру-ғида ҳаммаёқ равшан кўриниб турарди. Тахминан йўл яримлаб

ОСМОНДАГИ

қолганида, унинг ўнг томонидан сап-сарик велосипед минган йигит пайдо бўлди. Унинг кийимлари ҳам сап-сарик бўлиб, велосипедни баб-баробар ҳайдаб бораётганди. Собиржон бир қарашда уни оғайниси Тоҳирга ўхшатди. Яна бир қайрилиб қараган эди, Шўхратга ўхшаб кетди.

- Шўхрат! - деди дадилланиб, - қаёқдан келаялсан? Мунчаём сарик кийиниб олмансан?

Шўхратга ўхшаб кўринган йигит жавоб қилмади. У Собиржоннинг велосипедини қувиб ўтиб, орқасига бўйланди.

- Хоҳлайсанми, сени тилла беланчака олиб чиқаман?

- Қанақа тилла беланчака?


- Сени фарзанд кўришинг ёки кўрмаслигинг аён бўлади. Айт, хоҳлайсанми ёки йўқми?

- Йўл бошласанг, кетавераман.

- Аммо йўлакча жиндай торроқ бўлади. Кўрқмайсанми?

- Бошла! - жавоб қилди Собиржон. Аммо шу лаҳзада Шўхрат

сап-сарик кийиниб олиб, мени калака қиялпти, деган хаёлга борди. Бироқ қаршисида бирдан гилам йўлакча пайдо бўлди.



БЕЛАНЧАК

Олдинда бораётган йигитнинг велосипеди ортидан гилам полендоз тўшалиб, юқорига кўтарилиб бораётган эди. Гилам пойдоз ҳам сап-сарик эди. Собиржон ҳам велосипедини ана шу

йўлакка тўғрилаб, тезликни оширди. У осмонга жуда енгил кўтарилиб бораётганди. Юқорига кўтарилган сайин ўзини қушдай енгил сезаётганди. Бора-бора юлдузлар ҳам яқин қолганга ўхшаб кўринди. Олдинда гилам йўлак тўшаб бораётган йигит ниҳоят давра ясаб, велосипедини тўхтатди. Собиржон ҳам унга етиб олиб, велосипеддан тушди.

- Энди анави томонга қара, - ишора қилди сарик соч йигит. - Ана шуни тилла беланчақ, - дейдилар.

Собиржон ана шу томонга қаради. Унинг кўзи ниҳоятда катта, оловранг беланчака тушиди-ю, бир фурсат сеҳрланиб қолди. Оловранг беланчақнинг иплари оппоқ бўлиб, дунёнинг у томонидан, бу томонигача тортилганди. Беланчақ шунақаям салобат билан тебранаётган эди-ки, гўё бутун оламни кезиб-сузиб юрганга ўхшарди. Беланчақ ортида эса кимнидир кўргандай бўлди. Унга синчиқлаб қараб Зулхуморга ўхшатди.

- Зулхумор! - ўпкаси тўлиб бақириб юборди у.

- Ким у Зулхумор?

- Хотиним! Худди ўша!

Қанақа қилиб чиқиб олди, бу ерга?

- Сен қанақа қилиб чиққан бўлсанг, у ҳам шунақа қилиб чиқди. Бу ерга чиққанинда беланчақ тебраниб турган бўлса, албатта фарзанд кўрсан. Агар тўхтаб турган бўлса, фарзанд кўрмас эдинг. Энди қайтамиз.



АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ

Собиржоннинг кўзларига ёш қалқиди.

- Хей, саҳий йигит! Нега мени бу ерга олиб чиқдинг?

- Меҳр-оқибатинг учун! Бугун тилаклар ижобат бўлади-гун кун. Орқамдан қолма!

Сарик соч йигит яна гилам поендоз тўшаб, пастлай бошлади. Собиржоннинг ортидан велосипедни ҳайдаб, бир зумда пастга тушганини сезмай қолди. Гилам поендоз йўлакка келиб тушиши билан сарик соч йигит худди ой нурига сингиб кетгандай, го-йиб бўлди.

Собиржон бунинг қандай мўъжиза эканлигига тушуна олмади. Уйга қириб келганида, хотини худди дераза рўпарасида уни қутиб ўтирган экан. Зулхуморнинг сочлари ҳам негадир унга сап-сарикка, қўллари эса оловранг беланчақни тебратиб турганга ўхшаб кўринди. Мана, бир йил ҳам ўтмай, иккиси фарзанд кўришди. Энди Зулхумор шу қўллари билан ростмана беланчақни дебратиби, алла айтмоқда.

БОЙЛАР БАХТЛИМИ ЁКИ ЎРТАҲОЛЛАРМИ?

Бойларга албатта ҳавасимиз келади. Америкада ҳам шундай. Кўпчилик тасавурида бойлар ташвиш билмай, қийналмай, хотиржам яшашарди-ю, бўла-верарди. Қаёққа қўл узатса, ўша ёққа етиб турса, нега бахтли бўлишмасин? Ейман деса овқати, бирон ёққа бормоқчи бўлса машинаси тайин бўлган одамларга ҳавас қилмай бўладими?

Лекин, тадқиқотлар бу масалага анчагина ойдинлик киритиб бера бошлади. Аниқланишича, миллионларни қўлга киритган бадавлат кишилар галати ҳолатга тушиб қолишаркан. Яъни, улар хурсандчиликдан кўра кўпроқ ўша миллионларни қўлайитириш ташвиши билан юришир эканлар. Хурсандчилик учун ажратилган вақтлари шунақаям кам бўларкан-ки, бемалол тўйиб ухлаётган кишиларни кўришганда: "Қандай бахтли-я" деган хаёлга боришаркан. Ўша миллионларни шунақаям тежаб ишлатаркан-ки, уларга қараганда, камбагалроқ кишилар ҳам мардрок бўлишаркан.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, пулни қўлайитириш истаги, одамнинг руҳиятини толиқтирадиган энг оғир машғулот экан. Бора-бора улар ўз ҳаётларидан завқланмай қўйишаркан. Чунки, уларда пул топшидан бошқа истак аста-секин сўниб бора-бора ўша оилада бора-бора гурбатни келтириб чиқараркан. Сабаби, шунча пул турса-ю, қалбда лаззат ҳисси йўқолиб бораверса, охир-оқибат роботга айланиб қолиш хавфи туғиларкан.

Шу боисдан Америкада яна шундай бадавлат кишилар бор экан-ки, ўзининг бандаги миллионларини унутиб, ўрта-

ҳоллик ёки камбағаллик пайтида амалга оширган ишлари билан банд бўлиб юравераркан. Яъни унинг ўзи ахлатни олиб чиқиб тўқаркан, идиш-товокларни ҳам ўзлари юваркан, олдинги дўстлари билан боягидек алоқани ушлаб тураркан. Катта-занглик мени дўстларимдан ажратиб қўяди, дея қўрқишаркан.

Энди ўртаҳолларга келсак. Американинг 83 фоиз аҳолисини ўртаҳоллар ташкил этаркан. Улар ҳар кунни югуриб-елиб, рўзгорнинг ташвишларини ўрнига қўйиш билан банд бўлишаркан. Йилига бир марта саёхатга чиқиб, дам олиб қайтиш учун маблағ жамғариб, тайёргарлик қўриб борааркан. Бу мамлакатнинг бехисоб қаҳваналарида, боғ ва соҳилларида валақлашиб дам олаётганларнинг қарийб барчаси ўртаҳоллар экан. Улар ўзларининг олдиларига қўйилган мақсадни тўла-тўқис бажаришиб, ҳаётдан завқ олиб яшашаркан. Камбағаллар бугун тоғланларини бугун сарфлашиб, эртага "Ё раззоқ!" дея яшашавараркан.

Қаранг-ки, бадавлатларнинг ҳаёти биз ўйлаганчалик "жаннатда" эмас экан. Шундай бўлгач, ҳар кунни ҳаёт ташвишлари билан елиб-югуриб, оилангиз қозонини қайнатиб турган бўлсангиз, ўзингизни бахтлилар қаторида санайверинг. У ёғини олсак, зиқна бадавлатдан, мард камбагал бахтлироқ бўларкан.

СЕРГАПЛИК ЯХШИМИ ЁКИ КАМГАПЛИКМИ?

Айрим бекалар жуда сергап бўладилар. Улар одатда кўп гапириб бошқаларнинг оғзини очиб қўйдим, деган тушунчага борадилар. Аслида ундай эмас. Япониялик руҳшунослар бу соҳада тадқиқот олиб боришиб, сергап одамларда, камгап одамларга қараганда, юрак ўйноғи, шамоллаш касаллиқларининг кўпроқ учрашини кузатдилар.

Яна шундайки, сергап одамларда бош оғриғи ва толиқиш касаллиқлари ҳам кўпроқ бўларкан. Бунинг сабаби уларда кўп гап жараёнида айрим мушаклар зўриқиб ишлайди. Шу боисдан сергап одамлар одатда инжиқ ва ҳис-ҳаяжонга тезроқ берилувчан бўладилар. Ишчи ҳам пала-партиш бажарадилар. Ана шунга айтадилар-да, кўп гап эшакка юк, - деб.

Камгап ва уятчан одамлар одатда покиза, мулоҳазали ва ишчи қойилмақом қилиб бажаришга мойил кишилар бўлишаркан. Улар ўзларининг имкониятларидан иложи борича тўлиқ фойдаланиб, ишнинг унумини оширишни, бошқаларга малол келмайдиган усулларни қўлашнинг ўйлашаркан. Ўз ишини пухта биладиган ҳақиқий изланувчан мутахассислар айнан камгап инсонлардан етишиб чиқаркан.

Яна шундайки, камгап одамларда шамоллаш, юрак ўйноғи касаллиқлари камроқ учраб экан. Уларда мулоҳаза билан иш юритиш даражаси юқори бўлганлиги учун раҳбарлардан камроқ гап эшитишаркан. Иш унумдорлиги ҳам сергапларга қараганда сезиларли юқори бўларкан. Оиладаги тартиб ҳам ҳавас қилгундек бўлиши аниқланди.

Лекин ҳаётда қизикқон ва лоқайдроқ одам-

лар ҳам учраб туради. Одатда қизикқон одамлар бошқаларнинг гапига қарама-қарши гап қилиб, ўзларини ҳам, суҳбатдошини ҳам толиқтириб қўядилар. Уларда фикрлаш қобилияти сустроқ, аммо қаттиқ меҳнат қилишга мойил бўлишарди. Меҳнатларида сифат ва самара камроқ бўлиши кузатилаган. Улар ғайратларини кўпроқ иккинчи даражали ишларга сарфлаётганларини сезишмас эканлар.

Қизикқон кишилар орасида инкиликбозликка мойиллари кўпроқ учраши маълум бўлди. Улар асабийлашув натижасида жигар хасталиқларига кўпроқ учрааркан. Яна шундайки, қизикқон кишилар табиятан оққўнғил ва саҳий бўладилар. Улар бахиллиқни билмайдилар. Ўзларини ўтдан-чўкка уришиб, тоғланларини ҳам кўнгилихушиқка сарфлаб қўйганини билмай қолар эканлар ва бундан афсус чекишмас экан. Қанчалик йиқилиб-туриб одимлашмасин, ҳаётдан сабоқ чиқариб олишмас экан.

Лоқайдлар-чи? Улар амалга оширилаган ишларнинг мазмун-моҳиятини умуман ўйлаб кўришмас эканлар. Аммо сергапликда умуман унча-мунча маҳмадонларни қочирини ҳам мумкинлиги аниқланди. Бекорчиликдан валдираш билан ҳаётининг яримдан кўпроғини ўтказиб қўйишаркан.

Лоқайдлар кўпроқ ошқозон-ичак хасталиқлари билан оғришаркан. Аммо ҳар қачон дўхтирларнинг айтганини тескарсини қилишаркан.

Нима ҳам дердик, ҳаётда камгап ва мулоҳазали бўлишлик мақсадга мувофиқроқ экан.

Саҳифани К.НИШОНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган кўлёмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
 Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
 Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
 Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
 Тошкент - 700000
 Амир Темура кўчаси,
 1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарҳ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
 Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00.
 Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
 E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатда олинган.
 Буюртма Г - 139. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
 Адади - 15856
 Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ
 Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
 Навбатчи — Б. САЙДАЛИЕВА
 Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5